

Х 21

Л. ХАЛИЛОВ

Сборник  
Юридическая  
Техника



FF0000002895

81.521.311-923

Л. ХАЛИЛОВ

X 21

# ФОРС ТИЛИ

МУАЛЛИМЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ ҚУЛЛИЁТИ УЧУН САБОҚЛИК

*Қайта ишланган ва тўлдирилган  
иккинчи наشري*

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган*

ALISHER N 5531 NOMIDAGI  
ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1992  
АХБОРОТ-РЕСУРС MARKAZI



Масъул муҳаррир **Алибек Рустамов**, филология фанлари  
доктори, профессор

Хаттот **Тўхтамурод Зуфаров**



*У-18844*  
Ўзбекистон ва адабиёти  
кутубхонаси

4602020500 — 63  
3 (04) — 90 152—90

— 645 — 00721 — 2

© «Уқитувчи» нашриёти, 1992

## СЎЗ БОШИ

Қўлингиздаги сабоқлик муаллимлар олий билимгоҳлари ўзбек тили ва адабиёти куллийтларининг ўқув режаси ва форс тили барномасига мувофиқ қайта кўриб чиқилди.

Сабоқликнинг мақсади талабаларни форс тилининг грамматик қурилиши, лугат фонди билан таништириш ва форсча матнларни ўқиш, ёзишни ўргатишдан иборат.

Сабоқлик кириш ва тўрт қисмдан иборатдир.

Кириш қисмида форс тилининг эрон тиллари гуруҳида тутган ўрни ҳамда тараққиёт босқичлари ҳақида қисқача маълумот берилади.

Биринчи қисмда форс тилининг фонетик хусусиятлари, форс ёзуви ва унинг қисқача тарихи билан таништирилади ҳамда араб-форс алифбоси ўргатилади.

Иккинчи қисм 30 сабоқдан иборат. Ҳар бир сабоқ бир мавзуга бағишланган. Сабоқларда дастлаб грамматик маълумот берилади. Сўнг шу мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида ўқиш учун матн, матида янги учраган сўзларнинг форсча-ўзбекча лугати ва машқлар бериб борилади.

Учинчи қисмда ўқиш учун матнлар илова қилинган. Матнлар форс-тожик мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижоди ҳамда ҳозирги эрон тараққийпарвар ёзувчилари асарларидан танлаб олинган намуналардан иборат.

Маълумки, ҳозирга қадар нашр этилган сабоқлик ва қўлланмаларда келтирилган матнлар босмаҳонада терилган. Бундай ёзувни ўқишга ўрганган киши қўлёзма асарларни ўқишга қийналади ёки ўқий олмайди. Шунини ҳисобга олиб матнларнинг бир қисмини қўлёзма шаклида беришни маъқул кўрдик. Берилган матнлар ўқитувчи раҳбарлигида ўқитилиши, таржима қилирилиши, баъзилари ўқиб ва таржима қилиб келиш учун уй вазифаси сифатида топширилиши мумкин.

Тўртинчи қисмда сабоқликда учраган сўзларнинг форсча-ўзбекча лугати берилган.

Сабоқликнинг қайта нашрини тайёрлашда рус, озарбайжон,



тожик тилларида яратилган сабоқлик ва қўлланмалардан, шунингдек В. С. Расторгуева Б. В. Миллернинг «Форсча-русча луғат»ига илова қилган «Форс тилининг қисқача грамматик очерки»дан фойдаланилади.

Сабоқликда форсча сўзларнинг ўқилиши (транскрипция)ни кўрсатишда ҳозирги ўзбек алифбосига суянилди. Бунинг учун қўшимча белгилар қабул қилиш зарурати бўлгани йўқ. Фақат сирғалувчи ж ундошини портловчи ж ундошидан фарқлаш учун унинг устига . (нуқта) белгисини қўйдик.

Ўзбек тили таркибида арабча, форсча сўзлар кўп. *Мактаб, китоб, дарс, дафтар, қалам, тахта* сўзларининг эслатишнинг ўзи етарлидир. Бу сўзларнинг барчаси ўзбек тили луғатида мустаҳкам ўрин олган. Шунинг учун ўзбек тили ва адабиёти, тарих фанларидан ихтисос олувчилар форс тилини, шунингдек, араб алифбоси асосида қабул қилинган ўзбек ёзувини билишлари тақозо этилади.

Форс тилига доир мукамал сабоқлик ва қўлланмаларга эҳтиёж сезилиб турган ҳозирги пайтда мазкур сабоқлик бу эҳтиёжни маълум даражада қондириб турар деган умиддамиз.

Муаллиф ушбу сабоқлик ҳақида билдирилган танқидий мулоҳазалар, фойдали маслаҳатларни мамнуният билан қабул қилади ва навбатдаги нашрда ҳисобга олади.

## Қ И Р И Ш

Ҳозирги форс тили ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлган эрон тилларининг жануби-ғарбий гуруҳига киради.

Ҳозирги форс тили Эроннинг давлат ва адабий тили сифатида мамлакатнинг барча қисмларига тарқалган. Лекин бу тил Эрон аҳолисининг фақат ярмини ташкил этувчи форслар учунгина она тили ҳисобланади.

Ҳозирги форс тили билан тожик тилининг грамматик қурилиши ва луғат таркибининг асосий қисми бир-бирига шундай яқинки, бу иккала тилда сўзлашувчилар бир-бирларининг гапларини тушунадилар. Лекин тожик ва форс тиллари тарихан умумийлиги, грамматик томондан яқин бўлишига қарамасдан, сўнги вақтда тамомила бошқа-бошқа йўналишда ривожланмоқдалар.

Тожик тилида пайдо бўлаётган янги унсурлар форс тилида, форс тилидаги ўзгаришлар эса тожик тилида пайдо бўлаётгани йўқ.

Форс тили жаҳоннинг энг қадимги ёзув тилларидандир. Бу тилда жуда бой ва ранг-баранг адабиёт яратилган.

Форс тили узоқ асрлар давомида Афғонистон, Урта Осиё, Ҳиндистон, Озарбайжонда ҳам қисман адабий ва давлат тили сифатида қўлланиб келган. Аммо бу ҳудудларда миллий тилларнинг ривожланиши, давлат тилига айланиши натижасида форс тили ўз мавқеини йўқотган.

Форс тили ўзининг узоқ даврли тарихи давомида уч тараққиёт босқичини ўтган. Булар форс тилининг қадимги, ўрта ва янги давр тараққиёт босқичларидир.

Форс тилининг қадимги давр тараққиёт босқичи (эрамизгача бўлган VI—III асрлар). Бу даврдаги форс тилининг ёзма ёдгорликлари жуда кам сақланиб қолган бўлиб, улар ҳозиргача Аҳмоний подшоҳларининг саройлари пештоқларига, қабр тошларига ўйиб ёзилган ёзувлар шаклида етиб келган, холос. Бу ёзувларда подшоларнинг тахтга ўтириши, уларнинг қилган



ишлари ҳамда ўша даврнинг муҳим воқеалари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Бу ёзув ёдгорликлари тилининг услуби бир-бирига жуда яқиндир. Қадимги форс тили ёдгорликларининг илмий қиммати шундаки, бу ёдгорликлар бизгача ҳеч қандай ўзгаришларга учрамай, асл ҳолида етиб келган.

Қадимги форс тили ўзининг грамматик қурилиши жиҳатидан зароастризмнинг муқаддас китоби «Авесто»га яқиндир. Қадимги форс тили ёдгорликларини ўқиб ўрганиш уларни «Авесто» билан таққослаш орқалигина мумкин бўлди.

**Форс тилининг ўрта давр тараққиёт босқичи** (эрамизнинг III—VII асрлари). Бу даврдаги форс тилининг ёдгорликлари жуда кўп ва турли-тумандир. Булар сосонийлар сулоласи ҳукмдорларининг турли диний мазмундаги ёзувлари, «Авесто»нинг таржимаси, танга, муҳр ва ҳар хил металл буюмларга ўйилган ёзувлардир.

Ўрта давр форс тили сосонийлар давлати ва зароастризмнинг расмий тили бўлиб хизмат қилган. Бу даврдаги форс тилининг ёзуви арамей ёзувига асосланган. Ўрта давр форс тили грамматик қурилишининг соддалиги ва фонетик жиҳатдан ривожланганлиги билан қадимги форс тилидан фарқ қилади.

Манбаларда форс тилининг бу даврга оид турли ёдгорликлари билан бирга, сўғд, сак ва хоразм тилларига доир маълумотлар бор.

Эронда араб халифалари ҳукмронлиги даврида (VII—IX асрларда) давлат тили ва адабий тил араб тили эди. Шунинг учун ҳам бу даврда форс тилида ёзилган бирорта ҳужжатнинг борлиги ҳанузгача маълум эмас. Бу ҳол форсларнинг фақат араб ёзуви ва араб тилида ёзганликларини кўрсатади.

Маълумки, араблар ҳукмронлиги даврида ўрта осиелик машҳур олимлар Ал-Хоразмий, Абунаср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний ҳам ўз асарларини араб тилида ёзган эдилар.

**Форс тилининг янги давр тараққиёт босқичи** (IX асрдан ҳозиргача бўлган давр). Янги форс тили форс-тожик халқларининг ўз мустақил давлатларини барпо қилиш ва ўз она тилларида адабиёт яратиш учун араб халифалигига қарши олиб борган курашлари натижасида сомонийлар даврида (IX—X аср) вужудга келди.

Форс-тожик тили грамматик қурилишининг барқарорлиги туфайли араблар ҳукмронлиги даврида ассимиляцияга учрама-

ди, ўзининг грамматик қурилишини тўла-тўқис сақлаб қолиб, араб тилининг лексик унсурлари ҳисобига луғат таркибини янада бойитди.

Форс тилининг янги давр тараққиёт босқичида жуда кўп бой ёзма асарлар яратилди. Булар асосан форс-тожик адабиётининг йирик вакиллари томонидан яратилган адабий-бадний асарлар ва машҳур тарихшунослар томонидан ёзилган тарихий-илмий ёдгорликлардан иборат.

Бу даврда турли марказларда бу тилда ёзилган бадний ва илмий асарларни тил нуқтан назаридан бир-бирига қиёс қилсак, баъзи бир лексик хусусиятларини назарга олмаганда, бу ёдгорликлар тилининг умумий бўлганлигини кўрамиз.

Бу давр форс-тожик тилида яратилган адабиёт Урта денгиздан тортиб Ҳиндистонга қадар бўлган кенг ҳудудни ўз ичига олади ва бу адабиёт эрон, афғон, тожик, озарбайжон, ҳинд ва ўзбек халқлари томонидан яратилгандир.

Форс тили тарихини бундай даврларга—тараққиёт босқичларига бўлиш бирмунча шартлидир. Тил жуда секинлик билан ўзгариб боради. У тўсатдан жиддий ўзгаришларга учрамайди, акс ҳолда, омма учун тушунарли бўлмай қолади, ўзининг алоқа қуроли бўлишдек улкан ролини йўқотиб қўяди. Шунинг учун тилнинг тараққиёт даврларини бир-биридан қатъий чеғаралар билан ажратиш қўйиб бўлмайди.

IX асрда адабий тил сифатида расмийлашган форс тили ўзининг ҳозирга қадар бўлган минг йиллик тараққиёти даврида анча ўзгаришларга учради. Бу ўзгаришлар асосан унинг луғат таркибида пайдо бўлди. Яъни қадимги адабий ёдгорликлар тилида учраган жуда кўп сўзлар ҳозирги замон форс тилида учрамайди ва, аксинча, форс тили араб, турк-мўғул, ҳамда Ғарбий Оврупо тилларидан келиб кирган жуда кўп сўзлар ҳисобига луғат таркибини бойитди.

XX аср бошларига келиб, Эронда форс адабий тилини жонли тилга яқинлаштириш ҳаракати бошланди. Кўп ёзувчилар ўз асарларида жонли тилга хос бўлган сўз ва ибораларни ишлатишга ҳаракат қилдилар. Шундай бўлишига қарамай, форс адабий тили билан жонли тил ўртасида анча тафовут сақланиб келмоқда.

Ҳозирги Эронда жуда кўп тиллар, шевалар ва диалектлар бор. Бу шева ва диалектлар адабий тилдан анча фарқ қилади. Форс тили шевалари деярли ўрганилмагандир.



# ФОНЕТИКА

Фонетика тилнинг товуш системасини, урғу, бўғин ва бўғин тузилиши, тилдаги товушларнинг алмашиниши, ўзгариши ҳам-да талаффуз меъёрларини ўргатади. Ҳар бир тил ўзига хос фонетик хусусиятга эгадир. Форс тилининг ҳам ўзига хос қатор фонетик хусусиятлари бордир.

## Унлилар

Форс тилида олтита унли бўлиб, улар қуйидагилардир: **а, и, э, у, ў, о, эи, ўу**. Унлилар тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра, тилнинг кўтарилиш даражасига кўра, лабларнинг иштирокига кўра тасниф қилинади. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра унлилар икки гуруҳга бўлинади: 1) тил олди ёки олдинги қатор унлилари: **и, э, а**; 2) тил орқа ёки орқа қатор унлилари: **у, ў, о** (форс тилида тил ўрта унлилари йўқ).

Унлилар тилнинг танглайга томон кўтарилиш даражасига кўра: юқори кўтарилиш, ўрта кўтарилиш ва қуйи кўтарилиш унлиларига бўлинади.

**и, у** юқори кўтарилиш, **э, ў** ўрта кўтарилиш, **а, о** қуйи кўтарилиш унлиларидир.

Барча унлилар лаб иштирокига кўра лабланган ва лабланмаган унлиларга бўлинади.

**и, э, а, о** унлилари лабланмаган, **у, ў** унлилари эса лабланган унлилардир.

Форс тилида **и, у** ва **о** унлилари ўзбек тилидагига нисбатан чўзиқ талаффуз қилинади: **дивор** — девор, **дир** — кеч, **зуд** — тез, **дур** — узоқ, **доно** — билимдон, **бози** — ўйин. **а, э, ў** унлилари эса қисқа талаффуз қилинади:

پدر пэдар — ота  
کتاب кўтўб — китоблар  
سافر сафар — сафар  
شتىр шўтўр — туя.

Чўзиқ унлилар ҳар қандай вазиятда ҳам ёнидаги товушлар таъсирига берилмайди, фонетик ўзгаришга учрамайди; қисқа унлилар эса, аксинча, турли фонетик шароитларда турлича талаффуз этилади.

**о** унлиси. Бу товуш тил орқа қўйи кўтарилиш, лабланмаган чўзиқ унлидир. Бу товуш ўзбек тилидаги **о** товушига тўғри келади. **о** ҳар қандай вазиятда ҳам редукцияга учрамайди, чўзиқ талаффуз этилади. Масалан:

آب **об** — сув  
آدم **одам** — одам  
كارد **керд** — пичоқ  
آرد **орд** — ун  
آسمان **осмон** — осмон, кўк  
آفتاب **офтоб** — офтоб  
سرما **сармо** — совуқ.

**о** **у** унлиси. Бу товуш тил орқа, юқори кўтарилиш, лабланган, чўзиқ унли товушдир. Бу товуш ўзбек тилидаги **у** га нисбатан чўзиқ талаффуз қилинади. Масалан:

نور **нур** — нур  
دوست **дуст** — дўст  
سرود **сўруд** — куй, ашула  
فروختن **фўрухтан** — сотмоқ.

**и** унлиси. Бу товуш тил олди, юқори кўтарилиш, лабланмаган, чўзиқ унли товушдир. Бу товуш ҳам ўзбек тилидаги **и** унлисига нисбатан чўзиқ талаффуз этилади. Масалан:

كبير **кабир** — улуғ, буюк  
تير **тир** — ўқ  
ايران **Ирон** — Эрон  
تيز **тиз** — ўткир  
بيبار **бибор** — мевасиз  
بيني **бини** — бурун.

**а** унлиси. Бу товуш тил олди, қўйи кўтарилиш, лабланмаган, қисқа унли товушдир. Бу товуш талаффузида тилнинг



учи пастки тишларга тиралади, тилнинг ўртаси бир оз кўтарилади. Бу товуш урғу олмаган бўғинларда қисқаради, айниқса, жарангсиз ундошлар ёнида келганда редукцияга учрайди. Масалан:

مکتب мактаб — мактаб  
دار дар — эшик  
دست даст — қўл  
دست رنج дастранж — меҳнат, қўл меҳнати  
مشروطه маршрутэ — асосий қонун, конституция.

Э унлиси. Бу товуш тил олди, ўрта кўтарилиш, лабланмаган, қисқа унлидир. Бу товуш сўз бошида сўз ўртаси ва сўз охиридагига нисбатан анча очиқ талаффуз этилади, урғу олмаган бўғинларда ва жарангсиз ундошлар олдида келганда анча кучсизланади, редукцияга учрайди. Масалан:

اسم эсм — исм  
پدر пэдар — ота  
خانه хонэ — уй  
کتاب кэтоб — китоб  
سینه синэ — сийна, кўкрак  
روزنامه рузномэ — газета, рўзнома  
امروز эмруз — бугун.

Ў унлиси. Бу товуш тил орқа, ўрта кўтарилиш, лабланган, қисқа унлидир. Бу товуш ўзбек тилидаги ў товушига мос келади. Ў товуши ўрнига кўра турлича талаффуз этилади. Урғу олмаган бўғинларда анча қисқаради ва талаффузда у га мойндроқ айтилади. Масалан:

مبارزه мўборазэ — кураш  
بۇلبۇل бўлбўл — булбул  
گۈل гўл — гул  
کیتوب кўтўб — китоблар  
دۈم дўм — дум  
دۈرر дўрр — дур (қимматли тош)  
اطاق ўтоғ — хона

## Ундошлар

Форс тилида ундош товушлар 23 та. Бу ундош товушлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. *п, т, к* жарангсиз ундошлари унлилар ва сонор товушлар олдида, шунингдек, сўз охирида аниқ талаффуз этилади:

پنبه памбэ — пахта  
پاك пок — пок, тоза  
كارگر коргар — ишчи  
توده тудэ — омма.

2. Жарангли ундошлар сўз охирида ўзининг жаранглилигини қисман йўқотади, лекин ҳеч қачон ўзбек тилидаги каби жарангсиз эшитилмайди:

دزد дўзд — ўғри  
زود тез  
بلند бўланд — баланд  
امروز эмруз — бугун  
روز кун.

3. Жарангсиз ундошлар жарангли ундош олдида келганда ҳам жарангли ундошнинг таъсирига берилмайди ва жарангли эшитилмайди:

افزودن афзудан — кўпаймоқ, ортмоқ  
پاسبان посбон — посбон, қоровул  
پاسگاه посгоҳ — қоровулхона.

4. *к, г* — тил ўрта, портловчи ундошлар, булардан *к* жарангсиз ва *г* жарангли ундошлардир. Бу товушлар тил ўрта қисмининг қаттиқ танглайга тегиши орқали ҳосил бўлади ва юмшоқ талаффуз этилади. Бу юмшоқлик, айниқса, сўз охирида аниқ сезилади:

يك йэк — бир  
كودك кудак — бола  
ديك диг — қозон.

*к, г* ундошлари тил орқа унлилари олдида тил орқа ундош-

лари сифатида талаффуз қилинади ва тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга тегиши орқали ҳосил бўлади:

كار	кор — иш
آگاه	огоҳ — огоҳ
گاو	гов — сигир
گام	ком — мақсад, орзу
گام	гом — қадам
گوسفند	гусфанд — қўй.

5. *л* ундоши ўзбек тилидаги каби талаффуз этилади. Талаффузда тилнинг учи юқори танглайнинг олд қисмига бориб тақалади, тил бир оз пастга томон букилади, ҳаво тилнинг икки ёнидан ўтади:

لب	лаб — лаб
بلبل	бўлбўл — булбул
گل	гэл — лой
گلاب	гэлоб — ботқоқлик.

6. *п, б* товушлари лаб-лаб, портловчи ундошлардир. Буларнинг биринчиси жарангсиз, иккинчиси жаранглидир: *п* ундоши ўзбек тилидаги *п* дан фарқ қилмайди:

پا	по — оёқ
پاسخ	посўх — жавоб
پيرواھن	пироҳан — кўйлак
پير	пир — қари, устоз.

*б* товуши ўзбек тилидаги *б* товушига қарама-қарши ўлароқ, сўз охирида жарангсиз ундошлардан ва унлилардан сўнг келганда ҳам ўзининг жаранглилигини йўқотмайди:

آب	об — сув
کتاب	кэтоб — китоб
چوب	чуб — ёғоч
مرتب	мўраттаб — тартибли.

7. *т, д* товушлари тил олди, портловчи ундошлардир. Булардан *т* жарангсиз, *д* жаранглидир. Форсча *т* ўзбек тилидаги *т* дан фарқ қилмайди:



تخت	тахт — тахт
бахт	бахт — бахт
تلخ	талх — аччиқ
گوشت	гушт — гўшт.

ð жарангли ундоши сўз охирида жаранглилигини қисман йўқотса ҳам, *m* га яқинлашмайди:

اولاد	ўвлод — авлод	سرود	сўруд — куй, ашула
دل	дэл — дил, юрак	قند	ғанд — қанд
دلدار	дэлдор — дилдор	سمرقند	Самарғанд — Самарқанд.

8. *ғ* товуши жарангли, лаклук ундошидир. Бу товуш лаклукнинг юмшоқ танглайга жипслашиши, баъзан яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади:

نقش	нағш — нақш	غالب	ғолэб — ғолиб
نقاش	нағшош — наққош	اقدام	эғдом — тадбир, чора
وقت	вағт — вақт	چاقو	чоғу — пичоқ
غلط	ғалат — хато	غوطه	ғутэ — сувга шўнғиш.

Э с л а т м а. Форс тилида қ товуши йўқдир. Форс тилидаги қ ق ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар араб тилидан ёки туркий тиллардан киргандир. ق товуши форс тилига ёт бўлгани учун, форслар унинг ўрнида ҳам ғ талаффуз этадилар.

9. э товуши портловчи бўғиз товушидир. Бу товуш эроний ва туркий тиллар учун ёт бўлиб, фақат араб тилидан келиб кирган сўзлардагина учрайди.

تأسيس	таъсис — таъсис
منع	манъ — тақиқлаш
مربع	мураббаъ — квадрат
سرعت	сўрьат — тезлик.

Форс тилидаги бошқа ундош товушлар ўзбек тилидаги сингари бўлгани учун, ҳар бири устида алоҳида тўхтаб ўтирмадик. Фақат форс тилининг ўзига хос бўлган ундошларнинг қисқача тавсифи билан чегараландик.

## Сўз урғуси

Форс тилида сўз урғуси динамик урғудир. Бунда сўзларнинг маълум бир бўғинидаги унли товуш бошқа бўғиндаги унлиларга қараганда кучлироқ ва бошқа унлилардан алоҳида ажратиб талаффуз этилади. Кучлироқ талаффуз қилинган унли урғули ҳисобланади.

Форс тилида урғу эркин бўлмай, боғлиқ урғудир; урғу, асосан, сўзнинг сўнгги бўғинига тушади. Масалан:

ديروز дируз — кеча

روزنامه рузномэ — газета

مادر модар — она

خواهر хоҳар — опа-сингил.

Бу қоида форс тилига чет тиллардан кириб келган сўзларга ҳам тааллуқлидир:

ماشين мошин — машина

استبداد эстэбдод — зулм, деспотизм

مهندس мўхандэс — инженер

مختلف мўхталэф — ҳар хил.

Баъзан урғу бир неча саноқли сўзлардагина сўзнинг сўнгги бўғинига тушмайди:

بلى бали — ҳа چرا чэро — нега, нима учун?

ولى вали — лекин چگونە чэгуने — қандай?

يعنى яъни — яъни چطور чэтүвр — қандай қилиб?

Бундай сўзларда урғу биринчи бўғинга тушса, اول аввалан—

биринчидан, تقريباً тағрибан — тахминан каби арабчадан келиб кирган равишларда урғу сўзнинг иккинчи бўғинига тушади.

Қуйидагилар урғусиз талаффуз этилади:

1. Изофа кўрсаткичи э:

کتاب خوب кэтобэ хуб — яхши китоб

جمهوری ازبکستان жўмхурийэ ўзбакестон — Ўзбекистон республикаси

2. Ноаниқликни билдирувчи ёйи ваҳдат (бирлик ё си) — ii ئ

کسی каси — бир киши  
کتابی кэтоби — бир китоб.

3. Тушум келишиги кўрсаткичи **را-ро** кўмакчиси:

این دفتر را خریدم ин дафтарро харидам — Бу дафтарни сотиб олдим.

کتاب را خواندم кэтобро хондам — Китобни ўқидим.

4. Боғламнинг қисқа шакли **است -аст, -и, ای -ам, -اند -анд:**  
یم -им, ید -ид, ید -анд:

من دانشیارم ман донэші́орам — Мен ўқитувчиман.

تو دانشیاری تو донэші́ори — Сен ўқитувчисан.

او دانشیار است ў донэші́ораст — У ўқитувчидир.

ما دانشیاریم мо донэші́орим — Биз ўқитувчимиз.

شما دانشیارید шўмо донэші́орид — Сиз ўқитувчисиз.

آنها دانشیارند онҳо донэші́оранд — Улар ўқитувчидирлар.

5. Бириктирувчи боғловчи **و** — ва, эргаштирувчи боғловчи **که** — ки:

من و برادرم ман ў бэродарам — мен ва акам

پدر و مادرم пэдар ў модарам — ота ва онам

دانشیار گفت که... донэші́ор гўфт кэ... — ўқитувчи айтдики...

6. Эгалик қўшимчалари:

کتابم кэтобам — менинг китобим

کتابت کэтобат — сенинг китобинг

کتابش кэтобаш — унинг китоби.

**می -ми, بی -би** - олд қўшимчалари билан бошланадиган бўлишли феъл шаклларида сўз урғуси икки ўринга — олд қўшимчага ва шахс-сон қўшимчасига тушади. Ҳар икки урғу унинг кучи нуқтаи назаридан бир- бирига тенг келади. Масалан:



ميرفتم	мирафтам — борар эдим
ميگفتم	мигўфтам — айтар эдим
ميخوانم	михонам — ўқийман
مينويسم	минависам — ёзаман
برويد	бэравид — боринг
بگوئيد	бэгўйид — айтинг, гапиринг.

Урни билан гапнинг қандай оҳанг билан талаффуз этилишига қараб, бир урғу иккинчи урғунинг ҳисобига кучлироқ талаффуз этилиши ҳам мумкин. Феълнинг бўлишсиз шаклларида биринчи кучли урғу инкор юклагаси *зна-* устига, иккинчи кучсизроқ урғу эса шахс-сон қўшимчаси устига тушади. Масалан:

نميروم	намиравам -- бормайман
نميدانم	намидонам — билмайман
نميدم	надидам -- кўрмадим
نميخواندم	намихондам — ўқимас эдим.

### Форс ёзуви ҳақида

VIII асрда араблар Эронни истило қилдилар. Эроний халқларнинг араб алифбосини қабул қилишлари мамлакатда ислом динининг тарқалиши ва халқларнинг мусулмонликни қабул қилишлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам янги давр форс тили ёдгорликларининг деярли ҳаммаси араб ёзувида ёзилгандир. Араб алифбеси 28 ҳарфдан иборат. Форслар ўз тилларига хос бўлган товушларни ифода этиш учун араб алифбосига қуйидаги 4 ҳарфни қўшганлар:


پ *пэ* — п, چ *чэ* — ч, ژ *жэ* — ж, گ *гоф* — г.

Шундай қилиб, форс алифбосидаги ҳарфларнинг сони 32 гага етган. Араб-форс алифбосидаги ҳарфларнинг хусусияти шундан иборатки, ҳарфлар сўзнинг қаерида келишига қараб (яъни ҳарфлар ёлғиз ҳолда турганда, сўз бошида, сўз ўртасида, сўз охирида) бошқа-бошқа шаклларда бўладилар (форс алифбоси жадвалига қаранг).

Форс ёзуви ўнг томондан чап томонга қараб ёзилади ва шундай ўқилади.

# АРАБ-ФОРС АЛИФБОСИ

Ҳарфнинг номи	Ҳарф ифода этган товуш	Ҳарфларнинг ёзилиши				№
		сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	ёлғиз ҳолда	
алиф	о, а	ا	ا	ا	ا	1
бэ	б	ب	ب	ب	ب	2
пэ	п	پ	پ	پ	پ	3
тэ	т	ت	ت	ت	ت	4
сэ	с	ث	ث	ث	ث	5
жим	ж	ج	ج	ج	ج	6
че, чим	ч	چ	چ	چ	چ	7
ҳэ, ҳойэ	ҳ	ح	ح	ح	ح	8
ҳўтти						
хэ	х	خ	خ	خ	خ	9
дол	д	د	د	د	د	10
зол	з	ذ	ذ	ذ	ذ	11
рэ	р	ر	ر	ر	ر	12
зэ	з	ز	ز	ز	ز	13
жэ	ж	ژ	ژ	ژ	ژ	14
син	с	س	س	س	س	15
шин	ш	ش	ش	ش	ش	16
сод	с	ص	ص	ص	ص	17
вод	з	ض	ض	ض	ض	18
то	т	ط	ط	ط	ط	19
зо	з	ظ	ظ	ظ	ظ	20
эйп, айн	—	ء	ء	ء	ء	21
ғайн, ғайн	ғ	غ	غ	غ	غ	22
фэ	ф	ف	ف	ف	ف	23
гоф	қ	ق	ق	ق	ق	24
коф	к	ك	ك	ك	ك	25
гоф	ғ	ك	ك	ك	ك	26
лом	л	ل	ل	ل	ل	27
мин	м	م	م	م	م	28



Ҳарфнинг номи	Ҳарф ифода этган товуш	Ҳарфларнинг ёзилиши				№
		сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	ёлғиз ҳолда	
нун	н	ن	ن	ن	ن	29
вов	в, у	و	و	و	و	30
ҳэ, ҳойё	ҳ	ه	ه	ه	ه	31
ҳаввоз						
йэ, э	и, й	ی	ی	ی	ی	32

Араб-форс алифбосидаги ҳарфлар ёзувда ўзидан сўнгги ҳарфлар билан қўшилиш-қўшилмаслиги жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

1) ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб, ўзидан сўнгги ҳарфга қўшилмайдиган ҳарфлар;

2) ўзидан олдинги ва сўнгги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар.

Ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмайдиган ҳарфлар еттитадир. Бу ҳарфлар ёзувда 2 хил шаклда: ёлғиз ҳолда ва сўз бошида бир хил шаклда, сўз ўртасида ва сўз охирида бошқа бир хил шаклда бўладилар. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўришимиз мумкин:

Ҳарфнинг номи	Ҳарф ифода этган товуш	Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Ёлғиз ҳолда	№
алиф	о	ا	ا	ا	ا	1
дол	д	د	د	د	د	2
зол	з	ذ	ذ	ذ	ذ	3
рэ	р	ر	ر	ر	ر	4
зэ	з	ز	ز	ز	ز	5
жэ	ж	ژ	ژ	ژ	ژ	6
вов	в, у	و	و	و	و	7



Юқорида кўрсатилган 7 ҳарфдан бошқа, 25 ҳарф ҳар икки томондаги ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Бу ҳарфларнинг кўпчилик қисми шакл жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар фақат ост ва устларига қўйиладиган нуқталарга қараб бир-бирларидан фарқланадилар:

1. ب (б), پ (п), ت (т), ث (с) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, бир-бирларидан нуқталарнинг сони ва ўрнига қараб фарқланадилар.

2. ج (ж), چ (ч), ح (х), خ (х) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, нуқталар, уларнинг сони ва ўрнига қараб фарқ этадилар.

3. س (с), ش (ш) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, бир-биридан устида уч нуқтанинг борлиги ёки йўқлиги билан фарқланади.

4. ص (с), ض (з) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, бир-биридан устида бир нуқта бор-йўқлиги билан фарқланади.

5. ط (т), ظ (з) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, бир-биридан устидаги нуқтанинг бор-йўқлиги билан фарқланади.

6. ع (айн), غ (ғ) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, бир-биридан устидаги нуқта билан фарқланади.

7. ی (к), ی (з) ҳарфлари шаклан бир хил бўлиб, бир-бирларидан устига қўйилган чизиқча билан фарқланадилар.

Форс алфавитидаги 8 та ҳарф форс тилига хос бўлмаган товушни ифода этади. Бу ҳарфлар араб тилидан форс тилига келиб кирган сўзлардагина учрайди. Булар қуйидагилардан иборат:

ث (с), ح (х), ذ (з), ص (с), ض (з), ط (т), ظ (з), ع (айн).

Келтирилган ҳарфлар фақат араб тилида ўзига хос товушларни ифода этиб, бу товушлар форс тили учун ётдир. Шунга кўра, орадан минг йилдан кўп давр ўтган бўлишига қарамай, форслар бу товушларни ўзлаштирадилар, уларни ўз тилларига мос бўлган бошқа товушлар билан алмаштирдилар. Араб алфавитидаги ص ث ҳарфлари ҳам форс тилида с каби, ح ҳарфлари х каби, ذ ز ض ва ظ ҳарфлари з каби, ط ت ҳарфлари т каби талаффуз қилинади. Араб сўзларининг ёзилиши форсчада сақлангани учун, ҳозирги форс алифбосида бир товушни ифодалаш учун ўрни билан бир неча ҳарф ишлатилади:

ث س ص	} c	د ز ض ظ	} z	ح ه	} x	ت ط	} m
-------------	-----	------------------	-----	--------	-----	--------	-----

Юқоридаги келтирилган бир турдаги ундошлар араб тилида турлича талаффуз этилишига ва айрим товуш саналишига қарамай, форс тилида фарқсиз ҳолда бир хил талаффуз этилади.

### Ҳаракатлар

Форс алифбосида ундош товушлар ва узун унлиларгина айрим ҳарфлар билан ифодаланадилар. Қисқа унлилар — *a, э, у* ларни ифодалаш учун эса ҳарфларнинг ост ва устларига қўйиладиган ҳаракатлардан фойдаланилади. Одатда, бу белгилар ҳам ёзувда ҳар доим қўйилавермайди, дарслик ва қўлланмаларда, луғатларда, шунингдек форс тилига араб тилидан кирган сўзларни қандай талаффуз этилишини кўрсатиш учун ишлатилади.

Қуйида келтирилган бу белгилар ундошларнинг ост ва устларига қўйилади:

1. — белгиси *забар* деб номланади. Бу белги ҳарф устига қўйилиб, *a* унли товушини билдиради.

دَر	дар — эшик
پَنجره	панжарэ — дераза
پَدَر	пэдар — ота
سَبو	сабу — кўза.

2. — белгиси *зир* дейилади. Бу белги ҳарф остига қўйилиб, *э* унли товушини билдиради.

مَالِك	молэк — молик, эга
گَل	гэл — лой
کِتَاب	кэтоб — китоб
شَرکَت	шэркат — шеркат, қатнашиш.

3. — белгиси *пиш* деб номланади. Бу белги ҳарф устига қўйилиб, *у* унли товушини билдиради.

گُل	гўл — гул
بَزْرگ	бўзўрг — катта, улуг, буюк

كُتُب кўтўб — китоблар

ظُلْم зўлм — зулм

مُلْك мўлк — мулк

4. ۚ белгиси *суқун* дейилади. Бу белги ундош устига қўйилиб, шу ундошдан сўнг унлининг йўқлигини, яъни бўғиннинг ёпиқлигини билдиради:

عَالِم оләм — олим

دَفْتَر дафтар — дафтар

اِظْهَار эзҳор — изҳор

5. ۛ белгиси *ташдид* дейилади. Бу белги ундошлар устига қўйилиб, шу ундошнинг икки мартаба талаффуз этилиши лозимлигини кўрсатади:

حَد ҳадд — чегара

دُر дўрр — дур

مَكَّار маккор — маккор

مُرْتَب мўраттаб — тартибли, тартибга келтирилган

مُرَبَّع мўраббаъ — квадрат, тўрт бурчакли

مُعَلِّم мўалләм — муаллим, ўқитувчи

6. ۞ белгиси кўпинча сўз бошида *о* ни ифодалаш учун алиф устига қўйилади:

أَب об — сув

أَزَاد озад — озад

أَدَم одам — одам

أَدَاب одоб — одоб.

7. ۟ белгиси араб тилидан форс тилига кириб келган равишларни (аслида араб тилида тушум келишигининг белгисидир) ифодалаш учун сўз охиридаги алиф устига қўйилиб, *ан* тарзида ўқилади:

أَوَّل аввалан — биринчидан

شَكْل شаклан — шаклан

مَثَل масалан — масалан

تَقْرِيْباً тағрибан — тахминан.

8. ۠ белгиси *ҳамза* дейилади. Бу белги:

а) **џ** ни ифодалайди ва бўғин ажратиш учун ишлатилади:

تائيس таъсис — таъсис

تاكيد таъкид — таъкид;

б) аниқланмиш унли товуш билан тугаган форс изофий бирикмаларида изофа кўрсаткичи сифатида қўлланади:

خانه من хонэйэ ман — менинг уйим  
روزنامه جديد рузномэйэ жадид — янги рўзнома  
عائلة ما оилайэ мо — бизнинг оила.

### Унлиларнинг ёзилиши

Чўзиқ унли товушлар **ا** (*алиф*), **و** (*во*), **ى** (*ёй*) ҳарфлари орқали ифодаланади. Қисқа унлилар эса, сўз бошида (*алиф*)-нинг уст ва остига тегишли ҳаракатлар (диакритик белгилар) қўйиш орқали ифодаланади:

اسب асб — от

اميد ўмид — умид, орзу

اسم эсм — исм

ابتدا эбтэдо — ибтидо, бошланиш

اسرار асрор — сирлар

ازبکستان Ўзбакэстон — Ўзбекистон.

**и, у** узун унли товушлари сўз бошида шу ҳарфларнинг олдига **ا** (*алиф*) келтирилиши орқали ифодаланади, яъни

**и** ни, **у** ни ифодалайди:

این ин — бу, шу

اینجا инжо — шу ерда, бу ерда

اینچنین инчўнин — шундай, худди шундай

اولوس улус — халқ, омма

او у — у (кишилик олмоши)

اوت ут — август.

Сўз ўртасида ва сўз охирида **ا** (*алиф*) устига — мадд белгиси қўйилмаса ҳам, узун унли вазифасини ўтайверади:



برادر	бэродар — биродар, ака-ука
دانا	доно — доно, билимдон
اواز	овоз — овоз
ظالم	золэм — золим.

و (вов) ҳарфи сўз ўртасида у узун унлисини билдиради.

دود	дуд — тутун
رود	руд — дарё
سرود	сўруд — куй, ашула.

ى ёй ҳарфи сўз ўртасида ва сўз охирида и чўзиқ унли товушини билдиради.

دير	дир — кеч
ديروز	дируз — кеча
ديگر	дигар — бошқа
ديک	диг — қозон
بينى	бини — бурун.

Араб тилидан форс тилига кириб келган баъзи сўзларда сўз охирида гарчи **ى** — **и** ёзилган бўлса ҳам, **о** тарзида ўқилади:

معنى	маъно — маъно
فتوى	фатво — фатво
معمی	муаммо — муаммо
موسى	Мусо — Мусо.

Шунингдек, сўз бошида келадиган **خو** (хво) бирикмаси **хо** (хви) **хи** тарзида ўқилади:

خواب	хоб — уйқу
خوابیدن	хобидан — ухламоқ
خواستن	хостан — хоҳламоқ
خوارزم	Хоразм — Хоразм
خویش	хиш — ўз, ўзига тегишли
خويشتن بين	хиштан бин — эгоист, худбин.

Форс алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг  
график хусусиятлари

1. **ا** (алиф) ҳарфи ишлатилиш ўрнига қараб икки хил шаклда бўлади: ( | )

آباد	обод — обод
ابريشم	абришўм — ипак
ابلاغ	эблог — етказиш
دانا	доно — доно.

2. **ب** ҳарфи 4 хил шаклда бўлади: ب ب ب ب

باغ	боғ — боғ
باران	борон — ёмғир
زبان	забон — тил
سبب	сабаб — сабаб
لب	лаб — лаб
شب	шаб — тун, кечаси.

3. **ت** ҳарфи 4 хил шаклда бўлади: ت ت ت ت

تو	ту — сен
آتش	оташ — олов
کتاب	кэтоб — китоб
دست	даст — қўл.

4. **پ** ҳарфи 4 хил шаклда бўлади: پ پ پ پ

پا	по — оёқ
پسار	пэсар — ўғил
سپردن	сэпўрдан — топширмақ
سپاه	сэпоҳ — аскар, армия, қўшин
اسپ	асп — (اسب) асб) — от.

5. **ث** ҳарфи 4 хил шаклда бўлади: ث ث ث ث

ثبت	сабт — рўйхатга олиш, регистрация
ثروت	сарват — бойлик

نشر	наср — наср, проза, сочма
مثل	мәсл — мисли
عثمان	Усмон — Усмон
بحث	бахс — баҳс, мунозара
میراث	мирос — мерос.

6. ج ڄ چا چھ ج 4 шакли бор:

جنگ	жанг — жанг, уруш
جارختی	жорахти — гардероб, кийим шкафи
جالب	жолэб — жалб қилувчи, қизиқ, тортувчи
پنجره	панжарэ — дераза
کجا	кўжо — қаерда?, қаерга?
گنج	ганж — ганж, хазина
رنج	ранж — ранж, алам.

7. چ چھ چا چھ ج 4 шакли бор:

چاپ	чоп — нашр
چابک	чобўк — чаққон, енгил
ھمچنان	хамчэнон — худди шундай, шундай
ھمچشم	хамчашм — рақиб
ھیچ	ҳич — ҳеч
ھیچ کدام	ҳич кўдом — ҳеч ким.

8. ح ڄ چا چھ ج 4 хил шаклда бўлади:

حال	ҳол — ҳол
حامی	ҳоми — ҳомий, ҳимоячи
محل	маҳалл — жой
محو	маҳв — йўқотиш, тугатиш, қириш
صلح	сўлҳ — тинчлик.

9. خ ڄ چا چھ ج 4 хил шаклда бўлади:

خار	хор — тикан
خارجی	хорэжи — чет эллик, чет элга тегишли

مخبّر	мўхбәр — мухбир
مختلف	мўхталәф — ҳар хил
تلخ	талх — аччиқ
ميخ	мих — мих
سرخ	сўрх — қизил.

10. د ɔ ҳарфининг 2 хил шакли бор: د د

دل	дәл — қалб, юрак, дил
دانش	донәш — билим
دانشجو	донәшжу — студент, талаба
دانشمند	донәшманд — донишманд, билимли
بلند	бўланд — баланд, юқори.

11. ذ ʒ ҳарфи 2 хил шаклда бўлади: ذ ذ

Бу ҳарф фақат форс тилига араб тилидан кириб келган сўзлардагина учрайди:

ذكر	зәкр — зикр
ذلت	зәллат — пасткашлик
لاذئذ	лазиз — лазиз, лаззатли
ذمه	зәмма — зимма, мажбурият.

12. ر r ҳарфининг 2 шакли бор: ر ر

راه	роҳ — йўл
بار	бор — юк, мева
رفتن	рафтан — бормоқ, кетмоқ
راز	роз — сир
ديروز	дируз — кеча
دير	дир — кеч
دور	дур — узоқ.

13. ز z ҳарфи 2 хил шаклда бўлади: ز ز

زبان	забон — тил
------	-------------



باز	боз — яна
بازی	бози — ўйин
دراز	дэроз — узун
دزد	дўзд — ўғри
بز	бўз — эчки.

14. ژ ж ҳарфи 2 хил шаклда бўлади: ژ ژ

ژاندارم	жондарм — жандарм
ژانویه	жонвйэ — январь
مژگان	мўжгон — киприк
اژدر	аждар — аждар.

15. س с ҳарфи 4 хил шаклда бўлади: س س س س

سيو	сабу — кўза
سرخ	сўрх — қизил
سفيد	сафид — оқ
مسدس	мўсаддас — мусаддас, олтилик
مسرور	масрур — хурсанд, шод, қувонч
درس	дарс — дарс, сабоқ
كس	кас — киши.

16. ش ш ҳарфи 4 хил шаклда бўлади: ش ش ش ش

شاه	шоҳ — шоҳ
شهر	шаҳр — шаҳар
شهرت	шўҳрат — шуҳрат
مشروطه	машрутэ — конституция, асосий қонун
شمشير	шамшир — қилич
شش	шэш — олти
خویش	хиш — қариндош-уруғ, ўз.

17. ص с ҳарфи араб тилига хос бўлган товушни ифода этиб, кўпинча араб тилидан кириб келган сўзларда ишлатилади. Бу ҳарфнинг 4 шакли бордир: ص ص ص ص

صابر	собэр — Собир, сабрли, сабр қилувчи, тоқатли
صبح	сўбҳ — эрта, тонг
مصرع	мэсраъ — мисра, шеърнинг бир йўли
مصدر	масдар — масдар, феълнинг ноаниқ шакли
شخص	шахс — шахс, киши.

18. **ض** ҳарфи араб тилига хос бўлган товушни ифода этиб, кўпинча, араб тилидан кириб келган сўзларда ишлатилади. Бу ҳарфнинг 4 шакли бор: **ض ض ض ض**

ضد	зэдд — зид, қарама-қарши
ضرورتاً	заруратан — заруратдан
ضمير	замир — олмош (грамм.)
مريض	мариз — касал, бемор
مضمون	мазмун — мазмун, мундарижа
قرض	ғарз — қарз
قاضى	ғози — қози.

19. **ط** *t* ҳарфи араб тилига хос бўлган товушни ифода этиб, форс тилида асосан араб тилидан кириб келган сўзларда учрайди. Бу ҳарфнинг 4 шакли бордир: **ط ط ط ط**

طالب	толэб — талаб қилувчи, изловчи
طوطى	тути — тўти
اطاق	ўтоғ — уй, хона
لطف	лўтф — лутф, яхшилик
نطق	нўтғ — нутқ
بسيط	басит — оддий, содда
غلط	ғалат — хато.

20. **ظ** *z* ҳарфи араб тилига хос бўлган товушни ифода этади. Бу ҳарф ҳам арабча сўзларда ишлатилади. Бу ҳарфнинг 4 шакли бор: **ظ ظ ظ ظ**

ظالم	золэм — золим, зулм қилувчи
ظلم	зўлм — зулм, эзиш

ظاهراً	зоҳэран — кўринишда, ташқи тамони, менингча
وظيفة	вазифэ — вазифа
مظلوم	мазлум — мазлум, эзилган
لفظ	лафз — лафз, сўз, ибора
حافظ	ҳофэз — сақловчи
حافظه	ҳофэзэ — хотира

21. ع айн ҳарфи араб тили учун хос бўлган портловчи чучур бўғиз товушидир. ع кучли тутуқ билан айтилади. Бу ҳарф форс тилига араб тилидан кириб келган сўзларда ишлатилади. Бу ҳарфнинг 4 шакли бордир: ع ع ع ع

علم	элм — илм
عادل	одэл — одил, адолатли
عافيت	офийат — соғлиқ, саломатлик
عاق	оғ — итоатсиз, исёнкор
معاش	маош — тирикчилик
معالجه	мўолаже — даво, даволаш
دفع	дафъ — даф, қайтариш
ممنوع	мамнуъ — тақиқлаш.

22. غ ҳарфининг 4 шакли бор: غ غ غ غ

غالب	ғолэб — ғолиб
غذا	ғазо — овқат
غذاخوری	ғазохўри — овқатланиш
مشغول	машғул — машғул, шуғулланиш
مغلوب	мағлуб — мағлуб, енгилган
دریغ	дариг — ачиниш, афсусланиш
تیغ	тиғ — тиг.

23. ف ҳарфининг 4 шакли бор: ف ف ف ف

فارسی	форси — форсча
فربه	фарбэҳ — семиз
فرخ	фаррўх — чиройли, бахтли

نفس	нафас — нафас, дам
نفیس	нафис — нафис, нозик, гўзал
کیف	киф — портфель
شرف	шараф — шараф.

24. ق ق қ ҳарфининг 4 хил шакли бор: ق ق ق ق

قلم	ғалам — қалам
قاتل	қотэл — қотил
نقش	нағш — наққош
نقاش	нағгош — наққош
خلق	халғ — халқ, омма
خلقت	хэлғат — яратиш, вужудга келтириш
دقیقه	дағиғэ — дақиқа, минут
دقیق	дағиғ — нозик.

25. ك ك к ҳарфининг 4 хил шакли бор: ك ك ك ك

کتاب	кэтоб — китоб
مکتوب	мактуб — мактуб, хат
مکر	макр — макр, алдаш
کبک	кабк — каклик
سبک	сабўк — енгил.

26. گ گ г ҳарфининг 4 шакли бордир: گ گ گ گ

گارد	гөрд — гвардия
گام	гом — қадам
جگر	жэгар — жигар, бағир
گوساله	гусолэ — бузоқ
انگور	ангур — узум
رنگ	ранг — ранг, тус
جنگ	жанг — жанг, уруш
برگ	барг — барг, япроқ.

27. ل ل л ҳарфининг 4 шакли бордир: ل ل ل ل



بىك	йэк — бир
ياقوت	йоғут — ёқут, қимматли тош
ياقتىن	йофтан — топмоқ
سياست	сийосат — сиёсат
سياه	сийоҳ — қора;

в) *эй* дифтонг товушини ифода этади:

ايوان	эйвон — айвон
سيل	сэйл — сел, сув тошқини.

---

## Абжад ҳисоби

Араб алифбоси 28 ҳарфдан иборатдир. Бу ҳарфлар маънодан холи бўлган, яъни ҳеч қандай маъноси бўлмаган қуйидаги 8 сўзга жамланган бўлиб, ҳар бир ҳарф сон қийматига ҳам эгадир:

كلمن	حطى	هوز	ابجد
каламан	хутти	ҳавваз	абжад
ضظغ	ثخذ	قرشت	سعفس
зазағ	саххаз	қарашат	саъуфас

Ҳарфларнинг сон қиймати қуйидагича:

ا алиф — 1	ى ё — 10	ق қоф — 100
ب бе — 2	ك коф — 20	ر ре — 200
ج жим — 3	ل лом — 30	ش шин — 300
د дол — 4	م мим — 40	ت те — 400
ه ҳойё ҳавваз — 5	ن нун — 50	ث се — 500
و вов — 6	س син — 60	خ хе — 600
ز зе — 7	ع айн — 70	ذ зол — 700
ح хойе хутти — 8	ف фе — 80	ض зод — 800
ط то — 9	ص сод — 90	ظ зо — 900
		غ ғайн — 1000

Эроний ва туркий халқлар араб алифбосини қабул қилган вақтларида унга ўз тиллари учун хос бўлган товушларни акс эттириш учун پ пэ — п, چ чэ — ч, ژ жэ — ж, گ гоф — г ҳарфларини ҳам илова қилдилар. Қўшимча суратда қабул қилинган бу тўрт ҳарф араб алифбосидаги ب бэ—б, ج жим—ж, ز зе — з, ك коф — к ҳарфларига қўшимча нуқта ва белгилар қўйиш орқали қабул қилингандир. Шунинг учун мазкур ҳарфларнинг сон қиймати кўрсатилган араб ҳарфлари сон қийматига тенг бўлади. Яъни: پ — 2, چ — 3, ژ — 7, گ — 20 га тенгдир.

Форс-тожик ва ўзбек классик адабиётида ҳарфларнинг сон қийматларидан фойдаланиб, муҳим тарихий воқеалар, машҳур кишиларнинг таваллуд ёки вафоти саналарини ҳарфлар воситасида баён қилиш анъана бўлган. Бундай ҳарфлар йиғиндиси бир мисра, бир неча сўз ва баъзан бир сўзнинг ўзидангина иборат бўлиб, шунинг ўзи маълум санани билдирган. Бундай ҳисоб усулини юқорида келтирилган саккиз сўзнинг биринчиси номи билан абжад ҳисоби дейилади. Шунинг билан бирга бундай ҳисоб бўлиб ўтган воқеанинг вақтини англагани учун «тарих» ҳам дейилади («тарих» сўзи арабча бўлиб, бўлиб ўтган, содир бўлган деган маънони билдиради).

Абжад ҳисоби билан ёзилган «тарих»ларга бир неча мисоллар келтирамиз.

Форс-тожик адабиёти классикларидан ўз маснавийлари билан машҳур бўлган Жалолоддин Румийнинг таваллуд йили қуйидаги тарихда ёзилган:

سال مولود آن خدا آگاه  
شد رقم «آفتاب عالیجاه».

Мазмуни: У худобохабарнинг таваллуд йили «офтоби олижоҳ» деб ёзилди.

Мазкур байт охирида келтирилган «офтоби олижоҳ» бирикмасидаги ҳарфларнинг сон қийматларини жамласак, 604 рақами ҳосил бўлиб, бу ҳижрий сана ҳисобида Жалолоддин Румийнинг таваллуд топган йилдир.

Машҳур тарихчи Хондамир ўзининг «Макоримул—ахлоқ» асарида Алишер Навоий вафот этганда, Ҳиротнинг шоирлари унинг вафотига бағишлаб марсиялар, тарихлар ёзганлиги ҳақида хабар беради, бир неча тарихларни келтиради.

Навоийнинг тенгқурларидан табиб мавлоно Дарвишали мазкур санага атаб қуйидаги назми айтган экан:

در ماتم آن قدوه ارباب وسول  
ابنای زمان شاه و گدا کشته ملول.  
هجرت برسول کرد آن سید قوم  
تاریخ وفات اوست هجرت برسول.

Мазмуни: У ҳаққа етишганлар пешвоси мотамида шоҳдан гадогача — барча замон аҳли хафаланди. У қавм сардори пайғамбар ёнига ҳижрат қилди. (Шунинг учун ҳам) унинг вафоти тарихи «Ҳижрат ба расул»дир.

Мазкур бирикмадаги ҳарфларнинг сон қийматларини жамласак, 906 ҳосил бўлади. Бу ҳижрий йил ҳисобида Алишер Навоий вафот этган йилдир.

Юқорида келтирилган абжад ҳисобидаги тарихлар ҳижрий сана ҳосил бўлишига мосланиб ёзилгандир. Ҳижрий сўзи араб-

ча бўлиб, кўчиш демакдир. Бу сана Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган йилидан бошлангани учун ҳижрий йили деб номланади. Ҳижрий йили милодий йилнинг 622 йилидан бошланган.

Милод сўзи арабча бўлиб, туғилиш деган маънони билдиради. Милодий йил Исо пайғамбарнинг туғилган йилидан бошлангани учун шундай ном билан аталади.

Ҳижрий йилни милодий йилга айлантириш учун уни 33 га бўлинади, ҳосилани ҳижрий йилдан айириб, ортиб қолган сонга 622 сони қўшилади.

Масалан, юқорида айтилган тартибда 1385 ҳижрий йилини милодийга айлантириб кўрайлик:

$$1385 : 33 = 41 \quad (\text{қолдиқ } 32 \text{ ҳисобга олинмайди})$$

$$1385 - 41 = 1344$$

$$1344 + 622 = 1966$$

Демак, ҳижрийнинг 1385 йили милодийнинг 1966 йилига тўғри келар экан.



## درس اول

### Икки таркибли от кесимли гап

Форс тилида гапнинг энг содда тури икки таркибли от кесимли гапдир. Бундай гаплар икки қисмдан — эга ва кесимдан иборат бўлади. От кесим от, сифат, равиш, сон, олмошлар билан ифодаланиб, ўзидан сўнг *است* **аст** боғламасини олиб келади. Боғлама кесимни шакллантиради. *است* боғламаси ўзбек тилидаги кесимлик қўшимчаси **-дир** га тўғри келади. Боғлама бирикманинг гап бўлганлигини ойдинлаштиради.

Форс тилида боғлама от кесимларни шакллантирувчи белги бўлганлиги учун, гапда тушиб қолиши мумкин эмас, акс ҳолда гап аниқловчили сўз бирикмасига айланиб қолади:

این کتاب است ин кэтоб аст — Бу китобдир.

این میز است ин миз аст — Бу столдир.

Ўзбек тилида кесимлик қўшимчаси **-дир** тушириб қолдирилиши мумкин, бу ҳолда кесимлик пауза билан ифодаланади. Қиёс қилинг:

*Бу китобдир.*      *Бу—китоб.*

От кесимли гапларда сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи ўринда эга, иккинчи ўринда кесим, гап охирида — учинчи ўринда боғлама келади.

3	2	1
است	کتاب	این

Талаффузда бундай гаплар пауза билан икки қисмга ажратилади; биринчи қисмга эга, иккинчи қисмга кесим киради.

*است* боғламаси олдидаги сўз билан биргаликда, ундан ажратилмай талаффуз этилади ва урғу олмайди, урғу эгага ёки кесимнинг от қисмига тушади:

این دیوار است ин дивор аст — Бу девордир.

این میز است ин миз аст — Бу столдир.

است نист аст боғламасининг бўлишсиз шакли *нист* дир.

این کتاب نیست ин кэтоб нист — Бу китоб эмас.

آن در نیست он дар нист — У эшик эмас.

Эслатма: *Нист* мустақил сўз сифатида *йўқ* маъносида ҳам ишлатилади.

### است боғламасининг ёзилиши

است боғламаси *о*, *у*, *и* унлилари билан тугаган сўзлардан сўнг келганда, ўзидан олдинги сўзга қўшилиб ҳам, ажратиб ҳам ёзилиши мумкин. Боғлама ўзидан олдинги сўзга қўшилиб ёзилган пайтда боғламадаги <sup>1</sup> (алиф) тушиб қолади:

а) این صندلی است } ин сандалист — Бу стулдир.  
این صندلیست }

این پا است } ин пост — Бу оёқдир.  
این پاست }

این دانشجو است } ин донэшжуст — Бу талабадир.  
این دانشجوست }

б) است боғламаси چه че — нима? کی ки — ким? сўроқ олмошларига қўшилганда چیست ва کیست шаклида ёзилади:

چه + است = چیست чист — нимадир?

کی + است = کیست кист — кимдир?

в) است боғламаси ундош билан тугаган сўзлардан сўнг келганда ҳам қўшилиб ёзилиши мумкин:

این دیوار است — ин дивораст — Бу девордир.

این کتاب است — ин кэтобаст — Бу китобдир.

### کلاس

این کلاس است. این میز است. آن صندلی است.  
بزرگ است. صندلی بزرگ نیست. صندلی کوچک است. آ

است . در بلند است . این خشك كن است . آن گچ است . آن  
پنجره است . پنجره زیباست . کلاس روشن است .

## КЭЛОС

Ин кэлос аст. Ин миз аст. Он сандали аст. Миз бӯзӯрг аст.  
Сандали бӯзӯрг нист. Сандали кӯчак аст. Он дар аст. Дар  
бӯланд аст. Ин хӯшккӯн аст. Он гач аст. Он панжарэ аст.  
Панжарэ зибост. Кэлос рӯвшан аст.

## Луғат

کلاس	кэлос — класс, синф	خوشک کن	хӯшккӯн — босма (сиёҳ шимадиган қоғоз)
میز	миз — стол	گچ	гач — бӯр
سندلی	сандали — стул	پنجره	панжарэ — дераза
بزرگ	бӯзӯрг — катта	زیبا	зибо — чиройли, гӯзал
کوچک	кӯчек — кичик	روشن	рӯвшан — равшан, ёруғ
در	дар — эшик		
بلند	бӯланд — баланд		

В а з и ф а . Қуйидаги гапларни аввал транскрипция билан ёзинг, сўнг  
ўзбек тилига таржима қилинг:

این دانشجو است . دانشجو خوب است . آن کیف است . کیف  
بزرگ است . این چیست ؟ این مداد است .

## درس دوم

### Сўроқ гаплар

Сўроқ гап қуйидаги воситалар ёрдами билан тузилади:

1. Форс тилида сўроқ гап ўзбек тилидаги каби дарак ва ундов гаплардан оҳангнинг тури билан фарқланади. Агар дарак гапларда оҳанг гап бошида кўтарилиб, гап охирида пасайса, сўроқ гапларда, аксинча, гап бошида оҳанг паст бўлиб, гап охирида кўтарилади:

این کتاب است? ин кэтоб аст? — Бу китобми?  
این دفتر نیست? ин дафтар нист? — Бу дафтар эмасми?

2. Сўроқ гап сўроқ маъносини англатадиган мустақил сўроқ сўзлар ( کی ки — ким? چه чэ — нима?, کدام кўдом — қайси?, کجا кўжо — қаерда?, қаерга?, چطور чэтўвр — қандай?, چگونه чэгунэ — қандай? каби) ёрдами билан тузилади:

این چیست? ин чист? — Бу нима?  
آن کیست? он кист? — У ким?  
کتاب چطور است? кэтоб чэтўвраст? — Қитоб қандай?  
دفتر کجا است? дафтар кўжост? — Дафтар қаерда?  
دفتر چگونه است? дафтар чэгунэ аст? — Дафтар қандай?

3. Сўроқ гаплар сўроқни билдирадиган белгилар — сўроқ юкламалари آیا ойо, مگر магар ёрдамида, айна бир вақтда оҳанг воситасида юзага келади.

مگر юкламаси сўроқ гапда баён қилинган фикрга нисбатан шубҳа, ишончсизлик маъносини беради:

آیا این مداد است? ойо ин мэдод аст? — Бу қаламми?  
آیا آن در است? ойо он дар аст? — У эшикми?  
آیا این کتاب نیست? ойо ин кэтоб нист? — Бу китоб эмасми?  
مگر این میز است? магар ин мизаст? — Бу столми?  
(Наҳотки бу стол бўлса?)  
مگر آن دفتر است? магар он дафтар аст? — У дафтарми?  
(Наҳотки у дафтар бўлса?)



ма кичик пауза билан ажратиб талаффуз этилади. Бундай сўроқ гапларнинг жавоби одатда **بلى** бали, **ورى** ори—ҳа ёки **ناخېر** нахэйр—йўқ сўзидан иборат дарак гап бўлиб, унинг сўнгидан яна тўлиқ жавоб бўлувчи гап келтирилади. Бу гап тасдиқ ёки инкор билдирувчи сўзлар англатган маънони тўлдиради, тасдиқлайди ёки инкор қилади. Инкор маъно англатувчи гап охирида **نیست** нист (эмас) сўзи келади:

آيا اين كيف است؟	ойо ин киф аст? — Бу портфелми?
بلى اين كيف است	} — Ҳа, бу портфелдир.
ورى اين كيف است	
آيا اين دفتر است؟	бйо ин дафтар аст? — Бу дафтарми?
ناخېر اين دفتر نیست.	нахэйр ин дафтар нист — Йўқ, бу дафтар эмас.

В а з и ф а. Қуйидаги гапларни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

این چیست؟ این دیوار است . آن چیست؟ آن در است . آیا این کتاب است ؟ بلى این کتاب است . این میز است . مگر آن دفتر است؟ آن میز است . این کیست؟ این کارگر است . آیا آن کس دانشیار است؟ بلى آن کس دانشیار است . كيف چگونه است؟ كيف خوب است . آیا این كيف نو است؟ ناخېر این كيف نو نیست ، این كيف كهنه است .

### Луғат

كس	кас — киши	نو	нўв — янги
كارگر	коргар — ишчи	كهنه	кўҳнэ — эски
خوب	хуб — яхши	دانشيار	донэшийор — ўқитувчи.

پيغام

## درس سوم

### است боғламасининг тусланиши

От кесим таркибига кирадиган *است* боғламаси тусланади, яъни эганинг қайси шахс ва сонда бўлишига кўра шахс ва сонда ўзгаради. Унинг тусланиши қуйидагича:

#### Бўлишли

Шахс	مفرد <i>мўфрад</i> — бирлик	جمع <i>жамъ</i> — кўплик
I	ام — <i>ам</i>	ایم — <i>им</i>
II	ای — <i>и</i>	اید — <i>ид</i>
III	است — <i>аст</i>	اند — <i>анд</i>

#### Бўлишсиз

Шахс	مفرد <i>мўфрад</i> — бирлик	جمع <i>жамъ</i> — кўплик
I	نیستم — <i>нистам</i>	نیستیم — <i>нистим</i>
II	نیستی — <i>нисти</i>	نیستید — <i>нистид</i>
III	نیست — <i>нист</i>	نیستند — <i>нистанд</i>

Масалан:

#### Бирлик

- I. من شاعرم *ман шоэрам* — Мен шоирман.  
 II. تو شاعری *тў шоэри* — Сен шоирсан.  
 III. او شاعر است *у шоэр аст* — У шоирдир.

#### Кўплик

- I. ما شاعریم *мо шоэрим* — Биз шоирмиз.  
 II. شما شاعرید *шўмо шоэрид* — Сиз шоирсиз.  
 III. ایشان (آنها) شاعرند *ишон (онҳо) шоэранд* — Улар шоирдирлар.

Инокор маъноли гапларда боғламанинг қисқа шакли *нист* сўзига қўшилади:

### Бирлик

من شاعر نیستم    ман шоэр нистам — Мен шоир эмасман.  
تو شاعر نیستی    тў шоэр нисти — Сен шоир эмассан.  
او شاعر نیست    у шоэр нист — У шоир эмас.

### Қўплик

ما شاعر نیستیم    мо шоэр нистим — Биз шоир эмасмиз.  
شما شاعر نیستیڭ    шўмо шоэр нистид — Сиз шоир эмассиз.  
آنها شاعر نیستند    онҳо шоэр нистанд — Улар шоир эмасдирлар.

В а з и ф а. Қуйидаги гапларни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

من کارگرم . او هم کارگر است . آیا شما کارگرید ؟  
نخیر من کارگر نیستم . من دانشیارم . آیا تو پزشکی ؟ بلی من  
پزشکم . آنها پزشک نیستند . آنها نقاشند . شما کیستید ؟ من دانش-  
یارم نقاش نیستم . این چیست ؟ این روزنامه است ، آیا آن روزنامه  
است ؟ نخیر آن روزنامه نیست مجله است .

### Луғат

پزشک    пэзэшк — врач  
کارگر    коргар — ишчи  
نقاش    нағғош — наққош, рассом  
روزنامه    рузномэ — газета, рўзнома  
مجله    мажаллә — журнал

Боғлама ўзига мустақил урғу олмайди ва ўзидан олдинги сўзга қўшиб талаффуз этилади.

Боғламанинг I ва II шахс шакллари о унлиси билан тугаган сўзларга қўшилганда, сўз охиридаги унли билан боғлама бошидаги а унлиси орасига ўрта тил ундоши й орттирилади. Агар сўз э билан тугаса, й орттирилмайди. Масалан:

### Бирлик

من دانایم    ман донойам — Мен дономан.  
تو دانایی    тў донойи — Сен доносан.  
او داناست    у доност — У донодир.

### Қўплик

ما دونائيم      мо донойим — Биз доноимиз.  
 شما دونائيد      шўмо донойид — Сиз доносиз.  
 آنها دونائيد      онҳо донойанд — Улар донодирлар.

### Бирлик

من نويسندهام      ман нависандэам — Мен ёзувчиман.  
 تو نويسنده      тў нависандэи — Сен ёзувчисан.  
 او نويسنده است      у нависандэ аст — У ёзувчидир.

### Қўплик

ما نويسندهايم      мо нависандэим — Биз ёзувчимиз.  
 شما نويسندهايد      шўмо нависандэид — Сиз ёзувчисиз.  
 آنها نويسندهاند      онҳо нависандэанд — Улар ёзувчидирлар.

## Боғламанинг тўлиқ шакли *هست* ҳаст сўзи ҳақида

Боғламанинг тўлиқ шакли ҳисобланган *هست* сўзи форс тилида *бор*, *мавжуд* деган маъноларни билдиради. Бироқ бу сўз боғлама вазифасида ҳам келади. Бунда учинчи шахснинг бирлигидан бошқа ҳамма ўринларда унинг охирига *ҳаст*нинг тусланган шакллари қўшилади:

### Бирлик

من کارگر هستم      ман коргар ҳастам — Мен ишчидирман.  
 تو کارگر هستی      тў коргар ҳасти — Сен ишчидирсан.  
 او کارگر است      у коргар аст — У ишчидир.

### Қўплик

ما کارگر هستيم      мо коргар ҳастим — Биз ишчидирмиз.  
 شما کارگر هستيد      шўмо коргар ҳастид — Сиз ишчидирсиз.  
 آنها کارگر هستند      онҳо коргар ҳастанд — Улар ишчидирлар.

В а з и ф а. Қўйидаги гапларни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:



این چیست؟ این مرکب است. صندلی کجاست؟ صندلی اینجا نیست. صندلی آنجاست. اینجا میز هست. تو کیستی؟ من دانشجوییم. شما دانشجو نیستید آیا آن کس مهندس است؟ بلی آن مهندس است. مگر آنها شاعر هستند؟ نخیر آنها شاعر نیستند آنها نویسنده هستند. این کلاس است. کلاس بزرگ و روشن است. دیوار بلند و سفید است. آیا شما کارگر هستید؟ نخیر ما کارگر نیستیم. ما دهقان هستیم.

### Луғат

مرکب	мўраккаб — сиёҳ
مهندس	мўҳандес — инженер, муҳандис
نویسنده	нависандэ — ёзувчи
سفید	сафид — оқ
دهقان	деҳқон — деҳқон

## درس چهارم

— замоэрэ шахси ضمائر شخصی

### Кишилик олмошлари

Форс тилида кишилик олмошлари қуйидагилардан иборат:

Шахслар	Бирлик مفرد	Кўплик جمع
I	من ман — мен تو тў — сен	ما мо — биз شما шўмо — сиз
II	او у	ایشان ишон
III	وی вэй } — у	آنها онҳо } — улар

Ҳозирги замон форс жонли тилида **ما мо** — биз, **شما шўмо** — сиз олмошлари кўпликни ифодаласа ҳам, яна кўплик қўшимчасини олиб, **ماها моҳо** — бизлар, **شماها шўмоҳо** — сизлар шаклида ҳам қўлланади. Шунингдек, **شما шўмо** — сиз олмошининг (ўзбек тилидаги сингари) бирликда ҳурмат маъносини ифодалашни нормал ҳолга айланган. Масалан:

شما کیستید؟ шўмо кистид? — Сиз кимсиз?  
من دانشیارم ман донэшийорам — Мен ўқитувчиман.

— замоэрэ мўттасэлэ ضمائر متصله

### Эгалик қўшимчалари

Эгалик қўшимчалари отларнинг охирига қўшилиб, нарсанинг қайси шахсга тегишли эканлигини кўрсатади.

Форс тилида эгалик қўшимчалари қуйидагилардир:

Бирлик مفرد

Кўплик جمع

—ам

—эмон

ت -am  
ش -аш

تان -этон  
شان -эшон

Масалан:

### Б и р л и к

كتابم кэтобам — китобим  
كتابت кэтобат — китобинг  
كتابش кэтобаш — китоби.

### К ў п л и к

كتابمان кэтобэмон — китобимиз  
كتابتان кэтобэтон — китобингиз  
كتابشان кэтобэшон — китоблари.

### Б и р л и к

دفترم дафтарам — дафтарим  
دفترت дафтарат — дафтаринг  
دفترش дафтараш — дафтари.

### К ў п л и к

دفترمان дафтарэмон — дафтаримиз  
دفترتان дафтарэтон — дафтарингиз  
دفترشان дафтарэшон — дафтарлари.

### Эгалик қўшимчаларининг ёзилиши

1. Эгалик қўшимчалари ундош билан тугаган отларга қўшилиб ёзилади ва бир сўз каби қўшиб талаффуз қилинади:

كتابم кэтобам — китобим  
داستم дастам — қўлим  
دفترش дафтараш — дафтари.

2. Агар отлар э унлиси билан тугаган бўлса, у ҳолда бирлик шаклида от билан эгалик қўшимчаси ўртасида | (алиф) ёзилади, кўпликда эса отларнинг охиридаги э устига ҳамза (°) белгиси қўйилади. От билан эгалик қўшимчаси ажратиб талаффуз қилинади:

## Бирлик

I.	روزنامه‌ام	рузномэйам	— газетам, рўзномам
II.	روزنامه‌ات	рузномэйат	— газетанг, рўзноманг
III	روزنامه‌اش	рузномэйаш	— газетаси, рўзномаси.

## Қўплик

I.	روزنامه‌مان	рузномэйэмон	— газетамиз, рўзномамиз
II.	روزنامه‌تان	рузномэйэтон	— газетангиз, рўзномангиз
III.	روزنامه‌شان	рузномэйэшон	— газеталари, рўзномалари

3. Агар отлар **о, у, и** унлилари билан тугаган бўлса, от билан эгаллик қўшимчаси орасига й ундоши орттирилади ва қўшиб ёзилади. Масалан:

### Бирлик

### Қўплик

I.	پايم	пойам	— оёғим	پايمان	пойэмон	— оёғимиз
I.	پايت	пойат	— оёғинг	پايتان	пойэтон	— оёғингиз
III.	پايش	пойаш	— оёғи	پايشان	пойэшон	— оёқлари.

### Бирлик

### Қўплик

II.	رويم	руйам	— юзим	رويماڭ	руйэмон	— юзимиз
II.	رويت	руйат	— юзинг	رويتمان	руйэтон	— юзингиз
III.	رويش	руйаш	— юзи	رويشان	руйэшон	— юзлари.

## ضمائر استفهام замоэрэ эстефҳом—Сўроқ олмошлари

Сўроқ олмошлари нарса, сон ёки нарсанинг белгиси ҳақидаги сўроқни билдиради.

Форс тилида сўроқ олмошларидан **كى** **ки** — ким? ўзбек тилидаги каби кишиларга қарата айтилади, **چه** **чэ**—нима? олмоши эса одамдан бошқа нарсалар, ҳодисаларга нисбатан қўлланади.

**كى** **ки** — ким?, **چه** **чэ**—нима? сўроқ олмошлари кўплик қўшимчасини олиб, **كىها** **киҳо** — кимлар? **چهها** **чэҳо** — нималар? шаклида ҳам ишлатилади. **چند** **чанд** — қанча?, неча? олмоши нарсанинг даража ва миқдорига тегишли сўроқни, **كدام** **қудом** — қайси? олмоши эса нарсалар ичидан ажратиб кўрсатадиган белгига хос сўроқни билдиради:



اینجا چند (تا) کتاب هست؟

инжо чанд (то) кэтоб ҳаст? —

Бу ерда қанча китоб бор?

ساعت چند است؟

соат чанд аст? — соат неча?

کدام کتاب است؟

қўдом кэтоб аст? — қайси китоб?

### همچنين ضمائر اشاره — Кўрсатиш олмошлари

Кишилик олмошлари шахс ўрнида қўлланса, кўрсатиш олмошлари ҳам шахс, ҳам нарса ўрнида қўлланаверади. Шунингдек, кишилик олмошлари гапда отлар бажарган грамматик вазифани бажарса, кўрсатиш олмошлари гапда сифатлар ўрнида келиб, аниқловчи вазифасини бажаради.

این ин—бу, шу олмошлари юқорида қайд этиб ўтганимиздек, яқиндаги нарсани кўрсатиш учун, آن он—у олмоши узоқдаги нарсани кўрсатиш учун қўлланилади.

این آن олмошлари аниқланмишдан олдин келиб, у билан изофасиз боғланади:

این مرد

ин мард — бу киши

آن دختر

он дўхтар — у қиз.

چنين چۇنين — шундай, бундай, چنان چۇنون — ундай, ўшандай олмошлари این ва آن олмошларига چون сўзини қўшиш билан ҳосил бўлган. همين ҳамин — худди шу, همچنان ҳамчўنون, همچنين ҳамчўнин — худди шундай, худди ўшандай олмошлари ҳам шу йўл билан ҳосил бўлган.

### ضمير نفس — Ғзлик олмоши

Ғзлик олмоши خود хўд — ўз сўзидан иборат бўлиб, эгалик қўшимчаларини олиши ва ҳар учала шахс ўрнида ишлатилиши ҳам мумкин. Ғзлик олмоши эгалик қўшимчаларини олганда қуйидаги шаклларда бўлади:

Бирлик

Қўплик

I

خودم хўдам — ўзим

خودمان хўдэмон — ўзимиз

II

خودت хўдат — ўзинг

خودتان хўдэтон — ўзингиз

III

خودش хўдаш — ўзи

خودشان хўдэшон — ўзлари.

Ҳозирги форс тилида خود хўд олмошига синоним бўлган خویش хиш, خویشان хиштан олмошлари ҳам қўлланади, лекин бу ол-

мошларнинг маънолари чегараланган бўлиб, асосан қариндош-  
руғ, яқин кишилар маъноларида ишлатилади.

1- в а з и ф а. Қуйидаги гапларни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

آن مرد کلخوزچی است . این دختر دانشیار است . تو نقاش هستی . من نقاش نیستم . شاعرم . پدرم پزشکیار است . رفیقم دانشجو است . شما کیستید؟ ما نویسنده ایم . آنها نویسنده نیستند . برادر بزرگم کارگر است . خواهرم هنوز کوچک است .  
اوبه کودکیستان میرود .

### Луғат

کلخوزچی	кўлхўзчи — колхозчи, жамоа хўжалиги аъзоси
پزشکیار	пэзэшкйор — фельдшер
خواهر	хоҳар — опа, сингил
برادر بزرگ	бэродарэ бўзўрг — ака
به	бэ — га (жўналиш келишиги қўшимчаси)
کودکیستان	кудакестон — болалар боғчаси
میرود	миравад — боради.

2- в а з и ф а. Қуйидаги форсча сўзларга эгалик қўшимчаларини қўшиб турланг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг:

دفتر	дафтар	چشم	чашм	ابرو	абру
کتاب	кэтоб	برادر	бэродар	خانه	хонэ
میز	миз	رو	ру	نامه	номэ

3- в а з и ф а. Қуйидаги гапларни форс тилига таржима қилинг:

Сиз кимсиз? Мен муҳандисман. Ўзингиз кимсиз, талаба эмасмисиз? Йўқ, мен талаба эмасман, ишчиман. У киши ким? У киши менинг акам. У фельдшердир. Бу китобми? Ҳа, бу китобдир. Улар ўқитувчиларми? Йўқ, улар ўқитувчилар эмас, талабалардир. Ўзингиз ёзувчи эмасмисиз? Йўқ, мен ёзувчи эмасман. Мен шоирман. Отангиз нима иш қиладилар? Отам ишчидир. У Тошкент тўқимачилик фабрикасининг ишчисидир. Онам уй ишлари билан шуғулланадилар. Опам муаллимлар олий билимгоҳининг талабасидир. Синглим ва укам ўрта мактабда ўқийдилар.

اضافه эзофаэ—Изофа

Форс тилида аниқланмиш билан аниқловчи ўртасидаги алоқа махсус бирикма — **изофа** йўли билан ифодаланади. Бунда сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи ўринда аниқланмиш келиб, унинг кейинидан урғу олмаган морфологик кўрсаткич э қўшимчаси қўшилади, ундан кейин аниқловчи келади. Аниқланмиш охирига қўшилган э *изофа* дейилади. **اضافه** **изофа** арабча сўз бўлиб, қўшиш, орттириш деган маънони билдиради. Аниқловчили бирикма бутун бир оҳанг билан талаффуз этилади, яъни аниқланмиш билан аниқловчи ўртасида пауза бўлмайди.

Форс тилида аниқланмиш **مضاف** **мўзоф**, аниқловчи **مضاف اليه** **мўзофўн** элэйҳ деб номланади. **مضاف** **мўзоф** — аниқланмиш, иккинчи сўз **مضاف** **мўзоф** — аниқланмиш, иккинчи сўз **مضاف اليه** **форсий** **мўзофўн** элэйҳ — аниқловчидир. Бу икки сўз биринчисининг охирига қўшилган э қўшимчаси орқали бир-бири билан боғлангандир.

Форс тилида гап ва сўз бирикмаларида сўз тартиби қатъийдир. Изофали бирикмаларда ҳам биринчи ўринда аниқланмишнинг, иккинчи ўринда аниқловчининг келиши қатъий. Бу тартибнинг бузилиши бирикма мазмунининг бузилишига олиб келади.

Ўзбек тилида аниқловчили бирикмаларда сўз тартиби форс тилидаги аниқловчили бирикмалардаги сўз тартибининг тескарисидир. Яъни ўзбек тилида аниқловчи биринчи ўринда, аниқланмиш иккинчи ўринда келади. Қиёс қилинг:

گل سرخ      гўлэ сўрх — қизил гул  
 كتاب برادرم      кэтобэ бэродарам — акамнинг китоби.

Ўзбек тилида ҳам аниқловчи ва аниқланмиш тартибини ўзгартсак, аниқловчи ва аниқланмиш муносабати бўлмайди, эга ва кесим муносабати вужудга келади. Масалан:

*қизил олма — Олма—қизил.*

Изофали бирикма форс тилида энг кўп қўлланадиган аниқловчили бирикмадир. Изофали бирикмада аниқланмишга

фақатгина сифат билан ифодаланган аниқловчигина боғланиб қолмасдан, от билан ифодаланган аниқловчи ҳам боғланиб, эгалик, қарашлилик маъноларини билдиради. Масалан:

کتاب دانشجو кэтобэ донэшжу — талабанинг китоби  
کیف دانشیار кифэ донэшйор — ўқитувчининг портфели.

Шунингдек, мансублик маъноларини ифодалашда аниқловчи вазифасида кишилик олмошлари ҳам қўлланиши мумкин:

دست من дастэ ман — менинг қўлим  
دفتر تو дафтарэ тў — сенинг дафтаринг.

### Изофанинг ёзилиши

Аниқланмиш ундош товуш билан тугаган изофали бирик-маларда изофа белгиси ургусиз э гарчи талаффуз қилинса ҳам, ёзувда махсус ҳарф билан ифода этилмайди. Баъзан изофа ўрнида  $\bar{z}$  зир белгиси қўйилади. Масалан:

مملکت ایران мамлакатэ Ирон — Эрон мамлакати  
اتحاد جوانان эттэходэ жавонон — ёшлар уюшмаси  
کتاب درسی кэтобэ дарси — дарслик (китоб)  
زبان فارسی забонэ форси — форс тили.

Агар аниқланмиш *о, у* унлилари билан тугаган бўлса, аниқланмиш билан э изофаси ўртасида *й* ундоши орттирилади ва ёзувда  $\bar{y}$  ҳарфи билан ифода этилади. Масалан:

شعراى ايران шўаройэ Ирон — Эрон шоирлари  
شورای وزیران шуройэ вазирон — Вазирлар Қенгаши  
دانشجوی خوب донэшжуйэ хуб — яхши талаба  
روی زیبا руйэ зибо — чиройли юз.

Агар изофа таркибидаги сўзларнинг биринчиси э унлиси билан тугаган бўлса, изофа белгиси э аниқланмиш охиридаги унли э ҳарфи устига ҳамза шаклида қўйилади, талаффузда эса икки унли орасига *й* ундоши орттирилади. Масалан:

خانه ما хонэйэ мо — бизнинг уйимиз  
مجله ادبی мажалләйэ адаби — адабий журнал  
دانشکده زبان و ادبیات донэшкадэйэ забон ва адабийот — тил ва адабиёт факультети.



Аниқланмиш узун унли *ى* билан тугалланган бўлса ҳам, изофа *ى* ҳарфи устига ҳамза тарихасида қўйилади. Масалан:

ماهىء دريا моҳийэ дарйо — денгиз балиғи.

### Изофали бирикма англатган маънолар

1. Изофали бирикмадаги аниқловчи от ва кишилик олмошлари билан ифодаланган бўлса, у ҳолда бирикма аниқланмиш билдирган нарсанинг маълум шахсга хослигини, мансублигини билдиради. Бу форс тилида *اضافة ملكى* *изофэйэ мўлки* дейилади. Масалан:

کتاب پدرم кэтобэ пэдарам — отамнинг китоби  
ديوان لاهوتى дивонэ лоҳути — Лоҳутий девони  
وطن ما ватанэ мо — бизнинг ватанимиз.

2. Агар аниқланмиш бирор жонсиз нарсанинг номини билдирса, у ҳолда изофали бирикма нарсанинг жинсини, турини билдиради. Бундай изофали бирикма *اضافة بيانى* *изофэйэ баёни* дейилади. Масалан:

ساعت طلا соатэ тэло — олтин соат  
راه آهنين роҳэ оҳанин — темир йўл.

Агар аниқланмиш ўрин, пайт маъноларини билдирувчи сўзлар билан ифодаланган бўлса, у ҳолда изофали бирикма ўрин, пайт муносабатларини билдиради. Бу форс тилида *اضافة زمانى و مكانى* *зофэйэ замони ва макони* дейилади:

هنگام صبح ҳангомэ сўбҳ — тонг пайти  
بالاى كوه болойэ куҳ — тоғ тепаси.

4. Аниқланмиш билан аниқловчи бирикмаси бир нарсанинг иккинчи бир нарсага ўхшашлигини билдиради. Бундай изофали бирикма *اضافة تشبيهى* *зофэйэ ташбиҳи* дейилади. Масалан:

لب غنچه лабэ ғўнчэ — ғунча лаб  
قد سرو ғаддэ сарв — сарв қад.

5. Аниқловчи аслий ёки нисбий сифатлар билан ифодаланса, изофали бирикма нарсанинг қандайлигини билдиради. Бундай

бирикма — ترکیب نسبی وصفی таркибэ нисбийэ васфи дейилади. Масалан:

ديوار بلند	диворэ бўланд — баланд девор
روی زیبا	руйэ зибо — чиройли юз
روزنامه ادبی	рузномэйэ адаби — адабий рўзнома

6. Агар аниқловчи тартиб сон билан ифодаланган бўлса, изофали бирикма тартиб, даража маъноларини билдиради. Бундай изофали бирикма форс тилида ترکیب عددی таркибэ адади дейилади. Масалан:

کلاس چهارم	кэлосэ чаҳорўм — тўртинчи синф
جلد دوم	жэлдэ дўввўм — иккинчи жилд
کورس پنجم	курсэ панжўм — бешинчи курс.

### Изофа занжири

Изофали бирикмаларда бир аниқланмишнинг бир неча аниқловчиси бўлиши мумкин, яъни сўз бирикмаси таркибидаги уч ва ундан ортиқ сўз бир-бири билан изофа орқали боғланган бўлади.

Бундай бирикмаларда сўз тартиби қуйидагича бўлади: биринчи ўринда аниқланмиш туради, унинг кейинидан изофа қўшилади, сўнг аниқловчи келади, аниқловчи охирига изофа қўшилади, унинг охиридан иккинчи аниқловчи келади, унга яна изофа қўшилади, ниҳоят унинг кетидан учинчи аниқловчи келади. Бирикманинг энг охиридаги аниқловчига изофа қўшилмайди. Изофали бирикманинг бундай мураккаб тури изофа занжири дейилади. Изофа занжири бир бутун оҳангга эгадир, изофа занжири қанчалик узун бўлмасин, унинг орасида тўхташ (пауза) бўлиши мумкин эмас. Масалан:

کتاب خوب برادر بزرگ من      кэтобэ хубэ бэродарэ  
 бўзўргэ ман — акамнинг яхши китоби.  
 شوروی عالی جمهوری ازبکستان      Шуройэ олийэ жўмхурийэ  
 Ўзбакэстон — Ўзбекистон Республиқасининг Олий Кенгаши.

Изофа занжирида ҳам қатъий сўз тартиби мавжуд. Бу тартибнинг бузилиши сўз бирикмасидаги мазмуннинг ўзгаришига сабаб бўлади.

1- вази фа. Қуйидаги гапларни ўқинг, кўчириб ёзинг ҳамда ўзбек тилига таржима қилинг ва изофали бирикмаларга эътибор беринг:

این کلاس بزرگ و روشن کلاس ما است. میز بزرگ زیبا در کلاس است. صندالی زیبا هم در کلاس است. پنجره کلاس خوب است. من دانشجوی کورس اولم. برادر بزرگ من کارگر است. او کارگر کارخانه بافندگی است. او دانشجوی کورس سوم دانشگاه دولتی مسکو است. علیشیر نوایی شاعر بزرگ است. صدر الدین عینی نویسنده مشهور است. او مؤلف چند کتاب ادبی و علمی است.

### Луғат

بافندگی	бофандэги —	тўқимачилик
دانشگاه	донэшгоҳ —	институт, дорулфунун
مؤلف	مؤالләф —	автор, муаллиф
چند	چанд —	бир қанча, бир нечта

2- в а з и ф а. Қуйидаги гапларни ўзбек тилидан форс тилига таржима қилинг:

Бу китоб меникидир. Институтимиз кутубхонасида китоб кўп. Кутубхонада адабий, сиёсий журналлар ҳам бор. Бу катта, чиройли бино бизнинг институтимиздир. Институт аудиториялари катта ва ёруғ. Мен тўртинчи курс талабасиман. Акам Тошкент Давлат дорулфунунининг бешинчи курс талабасидир. Отам тўқимачилик фабрикасининг ишчисидир. Онам жамоа хўжалиги касалхонасининг фельдшеридир.

3- в а з и ф а. Қуйидаги бирикмаларни форс тилига таржима қилинг:

1. Тил ва адабиёт факультети. 2. Техрон шаҳри. 3. Ўзбекистон хотин-қизлари. 4. Йирик ёзувчи. 5. Яхши талаба. 6. Ёруғ ва катта бино. 7. Демократик партия. 8. Партия тарихи. 9. Менинг уйим. 10. Унинг рўзномаси.

### Луғат

касалхона —	بیمارستان	биморэстон
фельдшер —	پزشکیار	пэзэшкйор
факультет —	دانشکده	донэшкадэ

## درس نهم

### Отнинг кўплиги

Форс тилида кўплик отларга **آن-он**, **ها-хо** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади.

**آن-он** қўшимчаси кишиларнинг номини билдирувчи сўзларга, **ها-хо** қўшимчаси эса, асосан, одамдан бошқа нарсаларнинг номини билдирувчи сўзларга қўшилади. Масалан:

کارگر	коргар — ишчи	کارگران	коргарон — ишчилар
پادشاه	подшоҳ — подшоҳ	پادشاهان	подшоҳон — подшоҳлар
مردم	мардўм — халқ	مردمان	мардўмон — халқлар
شاعر	шөөр — шоир	شاعران	шөөрон — шоирлар
کتاب	кэтоб — китоб	کتابها	кэтобҳо — китоблар
ماشین	мошин — машина	ماشینها	мошинҳо — машиналар
دریا	дарйо — денгиз	دریاها	дарйоҳо — денгизлар
روز	руз — кун	روزها	рузҳо — кунлар.

Ҳозирги форс тилида **ها** қўшимчаси маълум даражада **آن** қўшимчасини истеъмолдан сиқиб чиқариб, инсонга тегишли сўзлардан ҳам, бошқа жонли, жонсиз нарсаларнинг номларини билдирувчи сўзлардан ҳам кўплик ҳосил қилишда қўлланмоқда. Масалан:

دختر	дўхтар — қиз	دخترها	дўхтарҳо — қизлар
پسر	пэсар — ўғил	پسرها	пэсарҳо — ўғиллар
دفتر	дафтар — дафтар	دفترها	дафтарҳо — дафтарлар.

Агар **آن-он** қўшимчаси қўшиладиган сўз унли билан тугатган бўлса, бу ҳолда баъзи бир фонетик ўзгаришлар юз беради:

1. э билан тугатган сўзлар билан кўплик қўшимчаси орасига 2 товуши орттирилади. Масалан:

نویسنده	нависандэ — ёзувчи	نویسندگان	нависандэгон — ёзувчилар
گوینده	гуйандэ — сўзловчи	گویندگان	гуйандэгон — сўзловчилар
تشنه	ташнэ — ташна	تشنگان	ташнэгон — ташналар.



2. *о, у, и* унлиси билан тугаган сўзларга *آن* -*он* қўшимчаси қўшилганда, сўз билан қўшимча орасига *й* ундоши орттирилади. Масалан:

دانشجو	донэшжу — талаба	دانشجویان	донэшжуйон — талабалар
شهری	шаҳри — шаҳарлик	شهریان	шаҳрийон — шаҳарликлар
دانا	доно — доно	دانایان	донойон — донолар
آقا	оғо — жаноб	آقایان	оғойон — жаноблар

3. Баъзи *у* унлиси билан тугаган сўзларга *آن* қўшимчаси қўшилганда, қўшимча билан сўз орасига *в* ундоши орттирилади. Масалан:

بازو	бозу — қўл	بازوان	бозувон — қўллар
بانو	бону — хоним	بانوان	бонувон — хонимлар.

#### Форс тилида арабча кўплик шакллари.

Форс тилида кўпликни ҳосил қилувчи *آن* -*он* *ها* -*ҳо* қўшимчаларидан ташқари, бир қанча арабча кўплик қўшимчалари ҳам ишлатилади:

1) *ین* -*ин* қўшимчаси киши, касб номини билдирувчи арабча сўзлардан кўпликни ясайди. Масалан:

منجم	мўнажжэм — астроном	منجمین	мўнажжэмин — астрономлар
حاضر	ҳозэр — ҳозир, тайёр	حاضرین	ҳозэрин — ҳозир бўлганлар.

2. *ون* -*ун* қўшимчаси ҳам касб, ҳунар номларини билдирувчи *и* билан тугаган арабча сўзлардан кўплик ҳосил қилади. Бу ҳолда сўз билан қўшимча орасига *й* ундоши орттирилади. Масалан:

انقلابی	энғэлоби — инқилобчи	انقلابیون	энғэлобийун — инқилобчилар
اعتصابی	эътэсоби — иш ташловчи	اعتصابیون	эътэсобийун — иш ташловчилар.

3. *ات* -*от* қўшимчаси ҳам арабча, ҳам форсча сўзлардан кўплик ҳосил қилади. Масалан:

باغ	боғ — боғ	باغات	боғот — боғлар
احوال	аҳвол — аҳвол	احوالات	аҳволот — аҳволлар
ده	дэҳ — қишлоқ	دهات	деҳат — қишлоқлар.

4. جات *жот* қўшимчаси э унлиси билан тугаган форсча сўзлардан кўплик ҳосил қилади: Масалан:

کارخانه	корхонэ — завод, фабрика
کارخانجات	корхонэжот — заводлар, фабрикалар
نامه	номэ — хат
نامهجات	номэжот — хатлар.

1- в а з и ф а. Қуйидаги сўзларга тегишли кўплик қўшимчаларни қўшиб кўплик ҳосил қилинг:

میز صدلی دانشیار دفتر کتاب معلم دهاتی سازنده آدم دیوار  
مادر خانه خوبرو زبان دانشگاه اسپ انگور درخت دختر

### Луғат

سازنده	созандэ — созанда, чолғучи, музикант
دهاتی	дэҳоти — қишлоқлик
خوبرو	хубру — гўзал, чиройли
انگور	ангур — узум
اسپ	асп — от

2- в а з и ф а. Қуйидаги гап ва сўз бирикмаларини форс тилига таржима қилинг:

Мақтабимизнинг ўқитувчилари. Дорулфунун талабалари. Қутубхона китоблари. Институт кутубхонаси. Боғимизда қизил гуллар кўп. Бизнинг уйларимиз катта ва ёруғ. Бу китоблар кимники? У рўзнома сизникими? Ҳа, у рўзнома меники.

3- в а з и ф а. Матни ўзбек тилига таржима қилинг.

من دانشجوی سال اول دانشکده پيداگوژی تاشکند هستم.  
من هجده سال دارم. خانواده ما از پنج نفر عبارت است. پدرم  
دانشیار است. مادرم پزشکيار است. برادر بزرگم دانشجوی سال  
سوم دانشگاه دولتی تاشکند است. او بیست سال دارد. خواهر  
کوچکم ده سال دارد. او در دبیرستان تحصیل میکند.

## عدد اداد — Сон

اعداد اصلي    эъдодэ асли — Саноқ сонлар

### Бирликлар

۱	يك	йэк — 1	۶	شش	шэш — 6
۲	دو	дў — 2	۷	هفت	ҳафт — 7
۳	سه	сэ — 3	۸	هشت	ҳашт — 8
۴	چهار	чаҳор — 4	۹	نه	нўҳ — 9
۵	پنج	панж — 5			

### Ундан йигирмагача

۱۰	ده	даҳ — 10	۱۵	پانزده	понздаҳ — 15
۱۱	يازده	йоздаҳ — 11	۱۶	شانزده	шонздаҳ — 16
۱۲	دوازده	давоздаҳ — 12	۱۷	هفده	ҳэфдаҳ — 17
۱۳	سیزده	сиздаҳ — 13	۱۸	هجده	ҳэждаҳ — 18
۱۴	چهارده	чаҳордаҳ — 14	۱۹	نوزده	нуждаҳ — 19

### Унликлар

۲۰	بیست	бист — 20	۶۰	شصت	шаст — 60
۳۰	سی	си — 30	۷۰	هفتاد	ҳафтод — 70
۴۰	چهل	чэхэл — 40	۸۰	هشتاد	ҳаштод — 80
۵۰	پنجاه	панжоҳ — 50	۹۰	نود	навад — 90

### Юзликлар

۱۰۰	صد	сад — 100	۶۰۰	ششصد	шэшсад — 600
۲۰۰	دویست	давист — 200	۷۰۰	هفتصد	ҳафтсад — 700
۳۰۰	سیصد	сэсад — 300	۸۰۰	هشتصد	ҳаштсад — 800
۴۰۰	چهارصد	чаҳорсад — 400	۹۰۰	نهصد	нўҳсад — 900
۵۰۰	پانصد	понсад — 500			

۱۰۰۰	هزار	ҳазор — 1000
۲۰۰۰	دو هزار	дў ҳазор — 2000
۳۰۰۰	سه هزار	сә ҳазор — 3000
۴۰۰۰	چهار هزار	чаҳор ҳазор — 4000
۵۰۰۰	پنج هزار	панж ҳазор — 5000

Бундан юқори сонларга هزار — ҳазор — минг сўзи олдига тегишли бирликдаги сон шу тариқа қўшилиб бораверади.

Йигирмадан юзга қадар бўлган ўнликлар бирликлар билан و ва боғловчиси ёрдамида боғланади.

و ва боғловчиси ўзидан олдинги сонга қўшилиб, ў тарзида талаффуз қилинади, ёзувда эса ажратиб ёзилади. Масалан:

بيست و دو      бистў дў — 22

چهل و پنج      чәҳәлү панж — 45.

### فصل های سال و ماهها — ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ВА ОЙЛАР

هر سال چهار فصل است. این فصل ها عبارتند از بهار تابستان پائیز و زمستان. سال دوازده ماه است. فروردین اردیبهشت خرداد تیر مرداد شهریور مهر آبان آذر دی بهمن اسفند. فصل بهار ماه های فروردین اردیبهشت خرداد است. فصل تابستان تیر مرداد و شهریور و ماه های مهر آبان و آذر فصل پائیز است و فصل زمستان ماه های دی بهمن و اسفند است. اول ماه فروردین مطابق با بیست و دوم و یا بیست و یکم مارس است. در ایران غیر از ماه های مذکور ایرانی ماه های اروپائی نیز معمول است. نام های ماه های اروپائی چنین است: ژانویه فوریه مارس آوریل مه ژوئن ژوئیه اوت سپتامبر اکتبر نوامبر دسامبر.

### Luғat

سال	сол — йил	زمستان	зәмәстон — қиш
معمول	маъмул — амалда, қабул қилинган	ماه	моҳ — ой
تابستان	тобәстон — ёз	اول	аввал — биринчи
پائیز	поиз — куз	مطابق	мўтобәғ — мос, баравар

نام‌های روزهای هفته — ХАФТА КУНЛАРИНИНГ НОМЛАРИ

۱	شنبه	шамбэ — шанба
۲	یکشنبه	йэкшамбэ — якшанба
۳	دوشنبه	дўшамбэ — душанба
۴	سه‌شنبه	сэшамбэ — сешанба
۵	چهارشنبه	чаҳоршамбэ — чоршанба
۶	پنجشنبه	панжшамбэ — пайшанба
۷	جمعه آدینه	жўмъэ } — жума. одинэ }

1- в а з и ф а. Қуйидаги гапларни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

ماهى پچار هفته است . يك هفته هفت روز است . روز هفتم روز تعطيل است . در ايران روز تعطيل جمعه است . در جمهوری ازبکستان روز تعطيل يکشنبه است . ماهى سى ياسى و يك روز است . ماه فوریه بیست و هشت يابيست و نه روز است . روزى بیست و چهار ساعت است . يك ساعت شصت دقیقه است . يك دقیقه شصت ثانیه است . بیست و چهار ساعت شبانروز است .

Луғат

روز	руз — кун
تعطيل	таътил — дам олиш
دقیقه	дағиғэ — дақиқа
ثانیه	сонийэ — секунд
شبانروز	шабонэруз — сутка, бир кеча кундуз.

2- в а з и ф а. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

۱. سالى چند ماه است؟
۲. ماهى چند روز است؟
۳. در ايران روز تعطيل چه روز است؟
۴. در جمهوری ازبکستان روز تعطيل چه روز است؟
۵. يك ساعت از چند دقیقه عبارت است؟
۶. يك دقیقه چند ثانیه است؟
۷. شبانروز از چند ساعت عبارت است؟
۸. يك فصل چند ماه است؟
۹. يك سال چند روز است؟
۱۰. يك هفته چند روز است؟



## درس هشتم

### عدد ترتیبی — тартиб сон

Тартиб сонлар саноқ сонларнинг охирига  $م$ —(— $م$ ),  $مین$ — (— $مین$ ) қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Масалан:

پنجم	панжўм	} бешинчи
پنجمین	панжўмин	
دهم	дахўм	} ўнинчи
دهمین	дахўмин	

$م$ —(— $م$ ) қўшимчаси ёрдами билан ясалган тартиб сонлар синтактик хусусияти жиҳатидан, ўзбек тилидаги сингари, сифатларга яқин туради ва гапда аниқловчи вазифасини бажариб, ўзидан олдин келган сўз билан изофа орқали боғланади:

درس هشتم      дарсэ ҳаштўм — саккизинчи дарс  
كلاس پنجم      кэлосэ панжўм — бешинчи синф.

$مین$ —(— $مین$ ) қўшимчаси ёрдами билан ясалган тартиб сонлар ҳам аниқловчи вазифасини бажаради, лекин ўзи аниқлаётган сўздан олдин келиб, унга изофа йўли билан эмас, балки оддий битишув йўли билан боғланади. Масалан:

چهارمین درس      чаҳорўмин дарс — тўртинчи дарс  
پنجمین بار      панжўмин бор — бешинчи марта  
بیستمین سال      бистўмин сол — йигирманчи йил.

Таркибли сонларда тартиб сон ясовчи  $م$ —(— $م$ ),  $مین$ — (— $مین$ ) қўшимчалари соннинг охириги қисмига қўшилади. Масалан:

بیست و پنجم      бистў панжўм — йигирма бешинчи  
شصت و یکمین      шастў якўмин — олтмиш биринчи.

Форе тилида دو دў — икки, سه سه — уч сонларидан тартиб сон ясалганда, баъзи фонетик ўзгаришлар юз беради.

دو	دў — икки	دوم	дўввўм	} — иккинчи
		دويم	дўййўм	
سه	سه — уч	سوم	сэввўм	} — учинчи
		سويم	сэййўм	

Форе тилида **يكم** йэкўм, **يكمين** йэкўмин — биринчи сонлари билан бир қаторда шу соннинг арабча шакли **اول** аввал ҳам кўп қўлланади. Шунингдек, **икки**, **уч** сонларининг арабча шакллари **ثاني** сони — иккинчи, **ثالث** солэс — учинчи сўзлари ҳам ишлатилади.

1- вазифа. Қуйидаги жумлаларни ўзбек тилига таржима қилинг:

۱. يك سال چند ماه است؟
۲. يك سال چند فصل است؟
۳. يك فصل چند ماه است؟
۴. يك هفته چند روز است؟
۵. شبا نروز چند ساعت است؟
۶. ساعت چند است؟ ساعت دو و پانزده دقيقه است.
۷. حالا چه درس است؟ حالا درس زبان فارسي است. درس دوم درس ادبيات از يك است. درس سوم درس تاريخ جمهوري ازبكيستان است.
۸. آيا شما عضو اتحاديۀ جوانان هستيد؟ بلي من از سال يك هزارونه صد و نود و يكم عضو اتحاديۀ جوانان دانشكده زبان و ادبيات از يك هستم.
۹. پايۀ تحصيلي شما چيست؟ من دانشجوي كورس اول دانشكده زبان و ادبيات از يك هستم.
۱۰. پدرتان به چه كاري مشغول است؟ پدرم كارگر كارخانه بافندگي است.

## Луғат

حالا	ҳоло — ҳозир
پايه	пойэ — фундамент, база, даража
تحصيل	таҳсил — ўқиш, илм олиш
عضو	ўзв — аъзо, муча
جوان	жавон — ёш
اتحادیة جوانان	эттэходийэйэ жавонон — ёшлар уюшмаси.

2- в а з и ф а. Қуйидаги сонларни форс тилига таржима қилиб ёзинг:  
25, 32, 49, 64, 73, 126, 226, 345, 1917, 1929, 1941, 1961, 1962;  
1870, 1936, 45, 86, 92, 59, 68, 94.

3- в а з и ф а. Қуйидаги гапларни форс тилига таржима қилинг, сўроқ гапларга жавоб қайтаринг:

Бугун қайси кун? Бугун ҳафтанинг нечанчи куни? Бир ҳафта неча кун? Ўзбекистонда дам олиш куни қайси кун? Эронда дам олиш куни қайси кун? Бир сутка неча соатдан иборат? Ҳозир соат неча? Соат уч яримдир. Соат саккиздан 15 минут ўтди. Саккизинчи март хотин-қизлар байрами куни.

## Луғат

байрам —	جشن	жашн
хотин-қизлар —	زنان	занон
янги —	نو	нўв
янги йил —	سال نو	солэ нўв

## Луғат

حالا	ҳоло — ҳозир
پايه	пойэ — фундамент, база, даража
تحصيل	тахсил — ўқиш, илм олиш
عضو	ўзв — аъзо, муча
جوان	жавон — ёш
اتحادیة جوانان	эттэходийэйэ жавонон — ёшлар уюшмаси.

2- в а з и ф а. Қуйидаги сонларни форс тилига таржима қилиб ёзинг:  
25, 32, 49, 64, 73, 126, 226, 345, 1917, 1929, 1941, 1961, 1962;  
1870, 1936, 45, 86, 92, 59, 68, 94.

3- в а з и ф а. Қуйидаги гапларни форс тилига таржима қилинг, сўроқ гапларга жавоб қайтаринг:

Бугун қайси кун? Бугун ҳафтанинг нечанчи куни? Бир ҳафта неча кун? Ўзбекистонда дам олиш куни қайси кун? Эронда дам олиш куни қайси кун? Бир сутка неча соатдан иборат? Ҳозир соат неча? Соат уч яримдир. Соат саккиздан 15 минут ўтди. Саккизинчи март хотин-қизлар байрами куни.

## Луғат

байрам —	جشن	жашн
хотин-қизлар —	زنان	занон
янги —	نو	нўв
янги йил —	سال نو	солэ нўв

فعل ФЭЪЛ—ФЕЪЛ

Форсча феъллар луғатларда ҳар доим масдар шаклида берилади. Феълнинг бу шакли шахс, сон ва замонни билдирмагани учун ҳам *феълнинг ноаниқ шакли* деб номланади. Масдар феълнинг отга яқин шакли бўлиб, ҳам феъллик, ҳам отлик белгиларига эга. Масдарнинг феъллик белгиси ҳаракат, ҳолатни, ўтимли-ўтимсиз ҳолатларини сақлаши, бошқа сўзларни бошқариши бўлса, унинг отлик белгилари эса отлар сингари турланиши ва гапда от бажарган синтактик вазифаларни бажаришидир.

Форсча феълларнинг ноаниқ шакли ҳар доим *دن-дан* (унлилар ва жарангли ундошлардан сўнг), *تن-тан* (жарангсиз ундошлардан сўнг), *يدن-идан* қўшимчалари билан тугалланган бўлади. Масалан:

خوردن	хўрдан — емоқ, ичмоқ
آمدن	омадан — келмоқ
خواندن	хондан — ўқимоқ
رفتن	рафтан — бормоқ, кетмоқ
گرفتن	гэрэфтан — олмоқ, ушламоқ
گفتن	гүфтан — гапирмоқ, сўзламоқ
پريدن	паридан — учмоқ
پرسيدن	пўрсидан — сўрамоқ.

ریشه افعال    ришэи афъол — Феъл ўзаклари

Форс тилида ҳар бир феъл икки ўзакка эга бўлади: феълнинг ўтган замон ўзаги, ҳозирги замон ўзаги.

Феълнинг ўтган замон ўзагини ажратиш оддий йўл билан бўлади, яъни феълнинг масдар шаклидан



ان қисмини тушириб қолдириш билан ўтган замон ўзаги ҳосил қилинади. Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ўтган замон ўзаги
ديدان	кўрмоқ	دید
رفت	бормоқ	رفت
پرسيدان	сўрамоқ	پرسيد
نشستن	ўтирмоқ	نشست
دادان	бермоқ	داد

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, феълнинг ўтган замон ўзаги ҳар доим  $د$  ёки  $ت$   $m$  товуши билан тугалланган бўлади.

#### Феълнинг ҳозирги замон ўзаги

Форс тилидаги феълларни уларнинг ҳозирги замон ўзаклари қайси йўл билан ажралишига кўра уч турга ажратилади.

1.  $افعل تام$  том феъллар.
2.  $افعال قياسي$  қиёсий феъллар.
3.  $افعال سماعي$  сэмой феъллар.

Том феълларнинг ҳозирги замон ўзаги масдардан  $دن$ -дан  $تان$ -тан,  $يدان$ -идан қўшимчаларини олиб ташлаш билан ҳосил қилинади. Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
خوردان	емоқ, ичмоқ	خور
پرسيدان	сўрамоқ	پرس
ماندن	қолмоқ	مان
خريدان	сотиб олмоқ	خر
خواندن	ўқимоқ	خوان
فهميدان	тушунмоқ	فهم

II. Қиёсий феълларнинг ҳозирги замон ўзаги масдар қўшимчаси тушириб қолдирилгандан сўнг, яна баъзи фонетик ўзгаришлар билан ҳосил қилинади. Форс тилидаги феълларнинг кўпчилигини қиёсий феъллар ташкил этади. Бундай феъллардан ҳозирги замон ўзақларининг олиниш қоидаси қуйидагича:

а) **ختن** -**хтан** билан тугаган бир қанча қиёсий феъллардан масдар қўшимчаси тушириб қолдирилгач, ўзақ охиридаги **х** товуши **з** га алмашинади. Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
آموختن <b>омухтан</b>	ўрганмоқ, ўргатмоқ	آموز <b>омуз</b>
ساختن <b>сухтан</b>	ёнмоқ, куймоқ	سوز <b>суз</b>
دوختن <b>духтан</b>	тикмоқ	دوز <b>дуз</b>
ساختن <b>сохтан</b>	қурмоқ	ساز <b>соз</b>
انداختن <b>андохтан</b>	отмоқ, ташла- моқ	انداز <b>андоз</b>

**ختن** -**хтан** билан тугаган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир.

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
شناختن <b>шэнохтан</b>	танимоқ	شناس <b>шэнос</b>
فروختن <b>фўрухтан</b>	сотмоқ	فروش <b>фўруш</b>
گسيختن <b>гўсихтан</b>	портламоқ, ёрилмоқ	گسل <b>гўсэл</b>

б) **شتن** -**штан** билан тугаган қиёсий феъллардан **تن** -**тан** қўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзақ охиридаги **ш** товуши **р** га алмашади: Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги	
داشتن	доштан	эга бўлмоқ	
برداشتن	бардоштан	кўтармоқ	
گذاشتن	гўзоштан	қўймоқ	
پنداشتن	пэндоштан	ўйламоқ, фикр қилмоқ	
گذشتن	гўзаштан	ўтмоқ, кечмоқ	
		دار	дор
		بردار	бардор
		گذار	гўзор
		پندار	пэндор
		گذر	гўзар

*-штан* *شتن* билан тугалланган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги	
نوشتن	навэштан	ёзмоқ	
گشتن	гаштан	айланмоқ	
هشتن	ҳэштан	қўймоқ, жойламоқ	
ريشتن	риштан	йигирмоқ	
		نويس	навис
		گرد	гард
		هل	ҳэл
		ريس	рис

в) *-дан* *ودن* билан тугалланган қиёсий феъллардан *دن* *-дан* қўшимчасини тушириб қолдирилгач, ўзак охиридаги у товуши *o* га алмашади. Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
فرمودن	фармудан	буюрмоқ
		{ فرما фармо
		{ فرماي фармой
نمودن	намудан	кўрсатмоқ
		{ نما намо
		{ نماي намой
پيچودن	пэймудан	ўлчамоқ
		{ پيما пэймо
		{ پيماي пэймой
سودن	судан	ишқаламоқ, майдаламоқ
		{ ساي сой

ودن -удан билан тугалланган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
بودن будан	эмоқ, бўлмоқ	باش бош
درودن дўрудан	ўрмоқ	درو дэрўу
شودن шэнудан	эшитмоқ	شهو шэнўу

г) فتن -фтан билан тугаган соф бўлмаган феъллардан تن -тан қўшимчасини тушириб қолдиргач, ўзак охиридаги ф товуши б га алмашади. Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
يافتن йофтан	топмоқ	ياب йоб
شتافتن шэтофтан	шошилмоқ	شتاب шэтоб
كوفتن куфтан	урмоқ, тақиллатмоқ	كوب куб
فريفتن фэрифтан	алдамоқ, фириб бермоқ	فريب фэриб

Э с л а т м а.

1) فتن -фтан билан тугалланган қуйидаги феъллар бундан мустаснодир:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
پذيرفتن пазируфтан	қабул қилмоқ	پذير пазир
بافتن бофтан	тўқимоқ	باف боф
گفتن гўфтан	гапирмоқ, сўзламоқ	{ گو гу گوي гуй
رفتن рафтан	бормоқ, кетмоқ	رو рав
گرفتگن гэрэфтан	олмоқ, ушламоқ	گير гир

2) қуйидаги тўрт феълнинг охиридан **ادن -одан** қисмини тушириб қолдирилгандан сўнг қолган қисми шу феълнинг ҳозирги замон ўзагидир:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
ايستادن    истодан	турмоқ	ايست    ист
نهادن        нэходан	қўймоқ	زه        нэх
فرستادن    фэрэстодан	юбормоқ	فرست    фэрэст
افتادن      ўфтодан	тушмоқ	افت       ўфт

III. Сэмий феъллардан ҳозирги замон ўзақларини ажратишда маълум бир қоидага амал қилинмайди. Бундай феъллар ҳозирги форс тилида саноқли бўлиб, буларни фақат ёдда сақлаш керак. Масалан:

Масдар	Мазмуни	Ҳозирги замон ўзаги
نوشتن    навэштан	ёзмоқ	نويس    навис
زدن        задан	урмоқ	زن        зан
ديدن      дидан	кўрмоқ	بين      бин
دادن      додан	бермоқ	ده        дэх
بستن      бастан	боғламоқ	بند      банд
خواستن    хостан	хоҳламоқ	خواه    хоҳ
ننسىستن    нэшастан	ўтирмоқ	نشين    нэшин
کردن      кардан	қилмоқ	کن        кўн
جستن      жўстан	қидирмоқ	جو        жу
گفتن      гўфтан	гапирмоқ,	جوى      жуй
	сўзламоқ	گو        гу
		گوي      гуй

В а з и ф а. Қуйида берилган феълларнинг ҳозирги замон ўзагини ажратинг:

آزمودن    озмудан — сина-    ترسيدن    тарсидан — қўрқмоқ  
моқ, синаб кўрмоқ



ارزیدن	арзидан — арзимоқ	خندیدن	хандидан — кул-моқ
افتادن	ўфтодан — тушмоқ, йиқилмоқ	درآمدن	даромадан — кирмоқ
بخشیدن	бахшидан — бахш этмоқ, бағишламоқ	رسیدن	расидан — етмоқ
پسندیدن	пасандидан — маъқулламоқ	ساختن	сохтан — қурмоқ
پوشیدن	пушидан — киймоқ, беркитмоқ, ёпинмоқ.	شستن	шўстан — ювмоқ
		شکستن	шэкастан — синдирмоқ
		فرستادن	фэрэстодан — юбормоқ
		فهمیدن	фаҳмидан — тушунмоқ.

## Феъл замонлари

Феъл замони шу феълдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг нутқ пайтига бўлган муносабатини ифодалайди. Бу муносабатнинг ҳар хил бўлишига кўра феълларда уч замон мавжуддир: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон.

Ўтган замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бўлган иш-ҳаракатни, ҳозирги замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтда бўлаётган иш-ҳаракатни, келаси замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бўладиган иш-ҳаракатни билдиради.

Форс тилида феъл уч замонга бўлинади:

1. فعل ماضى феълэ мози — ўтган замон феъли.
2. فعل مضارع феълэ мўзорэ — ҳозирги замон феъли.
3. فعل مستقبل феълэ мўстағбал } — келаси замон  
فعل آينده ёки феълэ ойандэ } феъли.

Феъллардаги бу уч замон дастлабки йирик вақт чегарасидир. Ҳар бир замон феъллари ўз ичида вақт айримликларига кўра яна бир неча қисмларга бўлинадилар.

فعل ماضى феълэ мози — Ўтган замон феъли

Иш ва ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бўлганлигини билдирган феъл ўтган замон феъли (فعل ماضى) дейилади:

Ўтган замон феъли маънодаги фарқларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. ماضى مطلق      мозийэ мўтлаг —  
ўтган замон аниқ феъли;
2. ماضى استمرارى      мозийэ эстэмрори —  
ўтган замон давом феъли;
3. ماضى نقلى      мозийэ нағли —  
ўтган замон ҳикоя феъли;
4. ماضى بعيد      мозийэ баид —  
узоқ ўтган замон феъли;

ماضى مطلق      мозийэ мўтлаг — Утган замон аниқ феъли

Утган замон аниқ феъли иш ва ҳаракатнинг ўтган замонда бўлиб ўтганлигини қатъий тусда ифодалайди. Шунга кўра бу феъл тугаллик маъносини билдиради. ماضى مطلق — ўтган замон аниқ феъли феълнинг ўтган замон ўзагига шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади.

Шахс-сон қўшимчалари қуйидагилардир:

Шахс	مفرد      Бирлик	جمع      Кўплик
I	م      -ам	يم      -им
II	ى      -и	يد      -ид
III	—	ند      -анд

Утган замон аниқ феълнинг ясалиши

( ديدن      дидан — кўрмоқ феълдан ):

Шахс	Бирлик	Кўплик
I	ديدم      дидам — кўрдим	ديديم      дидим — кўрдик
II	ديدى      диди — кўрдинг	ديديد      дидид — кўрдингиз
III	ديد      дид — кўрди	ديدند      диданд — кўрдилар

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ўтган замон аниқ феъли учинчи шахснинг бирлигида ҳеч қандай шахс-сон қў-

шимчаси олмайди, яъни ўтган замон феъл ўзаги ўтган замон аниқ феълининг учинчи шахс бирлигига мос келади.

Ўтган замон аниқ феълининг бўлишсиз шакли феъл олдига **نه** *на* юклагасини қўшиш билан ясалади, бунда урғу инкор юклагасига, иккинчи кучсиз урғу шахс-сон қўшимчасига тушади. Масалан:

Шахс	Бирлик		Кўплик	
I	ندیدم	نادیدام	ندیدیم	نادیدیم
II	ندیدی	نادیدی	ندیدید	نادیدید
III	ندید	نادید	ندیدند	نادیداند

### حکایت

از حکیمی پرسیدند که احوال برادر تو چطور است؟ گفت برادر من مرد . گفتند سبب مرگ او چه بود؟ گفت حیات .

### Лугат

از	аз — -дан
حکیم	ҳаким — ҳаким, табиб
چطور	чэтўвр — қандай?
مردن	мўрдан — ўлмоқ, вафот этмоқ
مرگ	марг — ўлим
بودن	будан — бўлмоқ, эмоқ

В а з и ф а. Қуйидаги феъллардан ўтган замон аниқ феъли ясанг:

پرسیدن	пўрсидан — сўрамоқ
آموختن	омухтан — ўргатмоқ, ўрганмоқ
خواندن	хондан — ўқимоқ
گفتن	гўфтан — гапирмоқ, сўзламоқ
آمدن	омадан — келмоқ
رفتن	рафтан — бормоқ, кетмоқ.

## ماضى استمرارى موزийэ эстэмрори — Ўтган замон давом феъли

Ўтган замон давом феъли иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бир неча марта бўлганлигини — такрорланганлигини билдиради.

Ўтган замон давом феъли феълнинг ўтган замон ўзаги олдига *ми-ми* қўшимчасини, ўзак охирига шахс-сон қўшимчасини қўшиш билан, яъни ўтган замон аниқ феъли олдига *ми-ми*-қўшимчасини қўшиш билан ясалади.

Ўтган замон давом феълида урғу икки ўринга — бири *ми*-олд қўшимчасига, иккинчиси шахс-сон қўшимчасига тушади. Масалан, *ديدن* **дидан** — кўрмоқ феълнинг тусланиши қуйидагича:

Шахс	Бирлик	Қўплик
I	<i>ميديدم</i> <b>мидидам</b> — кўрар эдим	<i>ميديديم</i> <b>мидидим</b> — кўрар эдик
II	<i>ميديدى</i> <b>мидиди</b> — кўрар эдинг	<i>ميديديد</i> <b>мидидид</b> — кўрар эдингиз
III	<i>ميديد</i> <b>мидид</b> — кўрар эди	<i>ميديدند</i> <b>мидиданд</b> — кўрар эдилар

*رفتن* **рафтан** — *бормоқ, кетмоқ* феълнинг тусланиши қуйидагича:



Шахс	Бирлик	Кўплик
I	ميرفتم <b>мирафтам</b> — борар эдим	ميرفتيم <b>мирафтим</b> — борар эдик
II	ميرفتى <b>мирафти</b> — борар эдинг	ميرفتيد <b>мирафтид</b> — борар эдингиз
III	ميرفت <b>мирафт</b> — борар эди	ميرفتند <b>мирафтанд</b> — борар эдилар

Ўтган замон давом феълининг бўлишсиз шакли феъл олдига <sup>نه</sup> **на** инкор юкласини қўшиш орқали ясалади. Бунда асосий кучли урғу инкор юкласига, иккинчи даражали кучсизроқ урғу эса шахс-сон қўшимчасига тушади. Масалан:

Бирлик	{	نميرفتم	<b>намирафтам</b> — бормас эдим
		نميرفتى	<b>намирафти</b> — бормас эдинг
		نميرفت	<b>намирафт</b> — бормас эди
Кўплик	{	نميرفتيم	<b>намирафтим</b> — бормас эдик
		نميرفتيد	<b>намирафтид</b> — бормас эдингиз
		نميرفتند	<b>намирафтанд</b> — бормас эдилар.

Эслатма: 1. Классик адабиётда **می** **ми** нинг тўлиқ шакли **همی** ҳам қўлланади. Масалан:

بگفت آنکه در دل مرا درد چیست  
همی گفت چندی و چندی گریست. (فردوسی)

Бэгўфт онкэ дар дэл маро дард чист, ҳамигўфт чандийу чанди гэрис— «Менинг дилимдаги ниманинг дарди?» — деб айтса (сўраса), қанча-қанча йиғиларнинг дардидир» — деб айтарди.

2. Баъзан классик адабиётда ўтган замон давом феъли ҳеч қандай олд қўшимчасиз ўтган замон аниқ феълининг охирига урғули **ی** **и** орттирилиши билан ҳам ясалган. Масалан:

آوردہ اند کہ نوشیروان عادل را در شکار گاهی صیدی کباب  
کردندی

Овардаандкэ, Нуширавонэ одэлро дар шэкор гоҳи сайди кабоб кардан-  
ди — Нуширавон ҳақида нақл қилишларича, овлоқда тутилган овлардан  
бирини кабоб қилардилар.

ماضى استمراری — Утган замон давом феъли билдирган  
маънолар

Утган замон давом феъли иш-ҳаракатни ўтган замонда так-  
рорланганини, бир неча марта бўлганлигини билдиришидан таш-  
қари, яна бир қанча қуйидаги маъноларни ҳам ифода этади:

1. Орзу-истак мазмунини билдиради:

اگر من دبیرستان را تمام می کردم به دانشگاه طبی داخل می شدم

Агар ман дабиристонро тамом микардам бэ донэшгоҳэ  
тэбби дохэл мишўдам — Агар мен ўрта мактабни битирганим-  
да эди, тиббиёт олий билимгоҳига кириб ўқир эдим.

اگر تو ساعت پنج بعد از ظهر به خانه ما می آمدی هر دوه سینما  
میرفتیم .

Агар тў соатэ панж баъдаз зўҳр бэ хонэйэ мо миомади  
ҳар дў бэ синэма мирафтим — Агар сен тушдан сўнг соат  
бешда бизнинг уйнимизга келганингда, биргаликда кинога борар  
эдик.

2. Шарт мазмунини билдиради:

من دیروز در کتب خانه بودم اگر می آمدی مرا آنجا میدیدی .

Ман дируз дар кўтўбхонэ будам, агар миомади, маро  
онжо мидиди — Мен кеча кутубхонада эдим, агар келганингда,  
мени у ерда кўрардинг.

Утган замон аниқ феъли ва ўтган замон давом  
феълларининг ёзилиши

1. Утган замон аниқ феъли ва ўтган замон давом феълла-  
рининг ҳамма таркибий қисмлари қўшиб ёзилади.

Масалан:

гўфтан — гапирмоқ, сўзламоқ феълидан.

Ўтган замон аниқ феъли

Бирлик	{ I. <i>گفتم</i> гўфтам II. <i>گفتی</i> гўфти III. <i>گفت</i> гўфт	Кўплик	{ <i>گفتیم</i> гўфтим <i>گفتید</i> гўфтид <i>گفتند</i> гўфтанд.
--------	--	--------	---

Ўтган замон давом феъли

Бирлик	{ I. <i>میگفتم</i> миғўфтам II. <i>میگفتی</i> миғўфти III. <i>میگفت</i> миғўфт	Кўплик	{ <i>میگفتیم</i> миғўфтим <i>میگفتید</i> миғўфтид <i>میگفتند</i> миғўфтанд
--------	--	--------	--

2. *آ-о* унлиси билан бошланадиган ўтган замон феъли олдига инкор юкласи *ه* — *на*- қўшилганда, юклама билан феъл орасига *ی* ундоши ортирилади ва *آ* (алиф) устидаги ~ (мадд) белгиси тушиб қолиши мумкин. Масалан:

*آمدن* омадан — келмоқ феълидан.

Бирлик	{ I. <i>نیامدم</i> найомадам II. <i>نیامدی</i> найомади III. <i>نیامد</i> найомад	Кўплик	{ <i>نیامدیم</i> найомадим <i>نیامدید</i> найомадид <i>نیامدند</i> найомаданд.
--------	---	--------	--

3. *и* билан бошланадиган бўлишсиз феълларда инкор юкласи *ه* — *на* ажратиб ёзилади. Масалан:

*ایستادن* истодан — турмоқ, тўхтамоқ феълидан

Бирлик	{ I. <i>ایستادم</i> не на истодам II. <i>ایستادی</i> не на истоди III. <i>ایستاد</i> не на истод	Кўплик	{ <i>ایستادیم</i> не на истодим <i>ایستادید</i> не на истодид <i>ایستادند</i> не на истоданд
--------	--	--------	--

1- в а з и ф а. Қуйидаги маттни ўзбек тилига таржима қилинг, феълларни грамматик таҳлил қилинг:

حکایت

از لقمان پرسیدند که ادب از کی آموختی؟ گفت از بی ادبان.  
 باز پرسیدند ادبرا از بی ادبان چگونه آموختی؟ جواب داد که هر چه  
 از ایشان در نظرم ناپسند آمد از آن پرهیز کردم و عبرت بر  
 داشتم.

## Луғат

باز	боз — яна
چگونه	чэгунэ — қандай, қандай қилиб?
جواب دادن	жавоб додан — жавоб бермоқ
ناپسند	нопэсанд — номаъқул, ўринсиз
پرهیز کردن	парҳиз кардан — сақланиш, сақланмоқ, ўзини тутмоқ
عبرت بر داشتن	эбрат бардоштан — ибрат олмоқ.

2- в а з и ф а. Қуйидаги берилган феъллардан ўтган замон давом феъли ясанг:

گرفتن	гэрэфтан — олмоқ, ушламоқ
انداختن	андохтан — отмоқ, ташламоқ
دويدن	давидан — югурмоқ
شنيدن	шэнидан — эшитмоқ.

3- в а з и ф а. Қуйидаги жумлаларни форс тилига таржима қилинг:

Ўзбекистон мустақил жумҳуриятдир. Тошкент шаҳри Ўзбекистоннинг пойтахтидир. Бу шаҳар Туркистон ўлкасидаги катта ва чиройли шаҳарлардан биридир. Тошкент шаҳрида тракторсозлик, самолётсозлик, соатсозлик заводлари ҳамда тўқимачилик фабрикаси мавжуд. Шунингдек, бу шаҳарда Давлат дорулфунуни, муаллимлар ва тиббиёт олий билимгоҳлари бор.

## درس دوازدهم

### Кўмакчилар حروف اضافہ

Форс тилида келишик йўқ. Шундай бўлгач, отлар келишиклар билан турланмайди.

Лекин келишик шаклларининг ўрнига турли синтактик алоқаларни ифодалаш учун бошқа воситалардан фойдаланилади. Гапда атрибутив алоқаларни ифодалаш учун изофали бирикмалардан, келишик муносабатларини ифодалаш учун эса кўмакчилар (**حروف اضافہ** **хўруфэ эзофэ**) дан фойдаланилади.

Форс тилида кўмакчилар асл кўмакчилар ва кўмакчи ўрнида қўлланиладиган отлардан — от-кўмакчилардан иборатдир. Асл кўмакчилар қуйидагилардир: **از аз**, **با бо**, **بر бар**, **برای баройэ**, **به бэ**, **بی би**, **تا то**, **جز жўз**, **در дар** ва **را ро**. Бу кўмакчиларнинг ро дан бошқаси сўзнинг олдига қўшилади, ро эса сўзнинг охирига қўшилади:

1. **به бэ** кўмакчиси ҳаракат йўналган нарсани, воситали объектни ифодалаш учун қўлланади, яъни ўзбек тилидаги жўналиш келишиги маъносини ифодалайди. **به бэ** от олдида келади ва бу от асосан қуйидаги маъноларни билдиради:

а) Ҳаракат йўналган шахс ёки томон маъносини билдиради. Масалан:

شخصی پیش دکتر رفت و به او گفت که چشم من درد میکند.

Шахси пишэ дўктўр рафт ва бэ ў гўфткэ чашмэ ман дард микўнад — Бир киши доктор ҳузурига борди ва унга, — кўзим оғрияпти, — деди.

برادر بزرگم به مسکو رفت .

Бэродарэ бўзўргам бэ Мўскўв рафт — Акам Москвага кетди.

هرچه در دل است به زبان آید.

Ҳарчэ дар дэласт бэ забон ояад — Кўнгилда нима бўлса, тилга ўша келади.



б) Қурол, восита маъноларини билдиради. Масалан:

این کتاب به قلم معلم ما نوشته شده است.

Ин кэтоб бэ ғаламэ мўаллэмэ мо навэштэ шўдааст — Бу китобни бизнинг ўқитувчимиз ёзган.

2. **بر бар** кўмакчиси отларнинг олдига қўшилиб келиб, бирор нарсанинг усти, юзаси, сатҳи маъноларини билдиради. Масалан:

مردم آزاری را حکایت کنند که سنگی بر سر صالحی زد. (سعدي)

Мардўм озориро ҳэкойат кўнандкэ, санги бар сарэ солэхи вад (Саъдий) — Ҳикоя қиладиларки, халққа озор берувчи бир киши бир ювош одамнинг бошига тош билан урди.

نا بینائی در شب تاریک چراغ در دست و سبو بر دوش گرفته راه میرفت.

Нобинойи дар шабэ торик чароғ дар даст ва сабу бар душ гэрэфтэ роҳ мирафт — Бир кўр қоронғи кечада қўлида чироғ ушлаган, елкасига кўза қўйган ҳолда борарди.

وقتیکه در باطوم در باغات سبز و خرم میشینند و چای مینوشند در آرخانگلسک اطفال بر روی برها بازی میکنند.

Вағтикэ дар Ботум дар боғотэ сабзу хўррам минишинанд ва чой минушанд дар Архангэлск атфол бар руйэ барфҳо бози микўнанд — Ботумида кишилар кўкаламзор боғларда хурсандчилик қилиб чой ичишиб ўтирган паайтларида, Архангельскда болалар қор устида ўйнаб юрадилар.

3. **با бо** кўмакчиси отларга қўшилиб, биргалик, ҳамкорлик, қурол, восита маъноларини билдиради. Масалан:

کند پرواز کبوتر با کبوتر باز با باز.

Кўнад парвоз кабутар бо кабутар, боз бо боз — Каптар каптар билан, лочин лочин билан учади.

من این خطرا با قلم نوشتم.

Ман ин хатро бо ғалам навэштам — Мен бу хатни ручка билан ёздим.

من روزهای تعطیل با برادر بزرگم به سینما میروم.

Ман рузхойэ таътил бо бародарэ бўзўргам бэ синэма миравам — Мен дам олиш кунлари акам билан кинога бораман.

4. تا то кўмакчиси отларнинг олдида келиб, ҳаракатнинг, вақтнинг охирги нуқтасини, чегарасини билдиради. Масалан:

مهمان عزیز است تا سه روز.

Мэҳмон азиз аст то сә руз — Меҳмон уч кунгача азиздир.

ما از ساعت نه تا ساعت پنج کار میکنیم.

Мо аз соатэ нўҳ то соатэ панж кор миқўним — Биз соат тўққиздан соат бешгача ишлаймиз.

5. برای баройэ кўмакчиси ҳаракатнинг мақсадини, нарсанинг бирор шахсга аталганлик маъноларини билдиради:

کسی پیش کاتبی رفت و گفت نامه برای من بنویس.

Қаси пишэ котэби рафт ва гўфт, номэйи баройэ ман бэнавис — Бир киши бир котибга бориб, менга бир хат ёзиб бер, деди.

این کتابرا برای شما آوردم.

Ин кэтобро баройэ шўмо овўрдам — Бу китобни сиз учун олиб келдим.

تو اینجا برای چه آمدی؟

Тў инжо баройэ чэ омади — Сен бу ерга нима учун келдинг?

6. در дар — кўмакчиси отларнинг олдида келиб, иш ва ҳаракатнинг воқе бўлиш ўрнини билдиради. Бу кўмакчи ўзбек тилидаги ўрин-пайт келишиги билдирган маънони ифодалаш учун қўлланади. Масалан:

در ازبکستان روز تعطیل یکشنبه است.

Дар Ўзбакестон рузэ таътил якшамбэ аст — Ўзбекистонда дам олиш кунни якшанбадир.

کشورما برای بر قراریء صلح در تمام جهان مبارزه مینماید.

Кэшварэ мо баройэ барғарорийэ сўлх дар тамомэ жаҳон мў-  
боразэ минамойад — Бизнинг мамлакатимиз бутун дунёда бар-  
қарор тинчлик бўлиши учун кураш олиб бормоқда.

من در سال يك هزار و نه صد و چهل و پنجم در شهر تاشكند  
تولد يافته‌ام.

Ман дар солэ йэк ҳазорў нўх садў чэхэлў панжўм дар шаҳрэ  
Тошканд таваллўд ёфтаам—Мен бир минг тўққиз юз қирқ бе-  
шинчи йилда Тошкент шаҳрида туғилганман.

7. از از کۇماкچиси от олдида келиб, ўзбек тилидаги чиқиш  
келишиги англатган қуйидаги маъноларни билдиради:

а) Иш ва ҳаракатнинг чиқиш ўрнини, бошланиш пайтини  
билдиради. Масалан:

پدرم از بازار قدری کوجه فرنگی سیب انگور خریده به خانه باز  
گشت.

Пэдарам аз бозор ғадри кучэи фаранги, сиб, ангур харидэ бэ  
хонэ боз гашт — Отам бозордан бир оз помидор, олма, узум со-  
тиб олиб, уйга қайтиб келди.

من از سال يك هزار و نه صد و نود و يكم عضو اتحاديه  
جوانان هستم.

Ман аз солэ йэк ҳазорў нўхсадў навадў йэкўм ўзвэ эттэходи-  
йэйэ жавонон ҳастам—Мен бир минг тўққиз юз тўқсон бирин-  
чи йилдан бошлаб ёшлар уюшмасининг аъзосиман.

б) Нарсанинг нимадан қилинганлигини билдиради. Маса-  
лан:

پي افکندم از نظم کاخی بلند (فردوسی)

Пэй афкандам аз назм кохийэ бўланд — Назмдан баланд  
қаср ясадим.

в) Чоғиштиришни билдиради:

این کتاب از کتاب شما بزرگتر است.

Ин кэтоб аз кэтобэ шўмо бўзўргтар аст — Бу китоб сизнинг  
китобингиздан каттароқдир.

г) Бирор нарсага эгалик мазмунини билдиради. Масалан:

این کیف از آن من است.

Ин киф аз онэ ман аст — Бу портфель меникидир.

д) Сабаб мазмунини билдиради:

علفها از بی آبی خشک شدند.

Алафҳо аз биоби хўшк шўданд — Утлар сувсизликдан қуриб  
жолдилар.

е) Тўдадан бирини билдиради:

فرخ یکی از دانشجویان خوب دانشگاه است.

Фаррўх йэки аз донэшжуйонэ хубэ донэшгоҳ аст — Фаррух  
дорилфунуннинг яхши талабаларидан биридир.

8. جز жүз истисно билдиради:

به سینما جز طاهر همه رفتند.

Бэ синэма жүз Тоҳэр ҳаме рафтанд — Кинога Тоҳирдан бош-  
жа ҳамма борди.

Форс тилида қўйидаги мураккаб кўмакчилар ҳам бор:

قبل از	ғабл аз	} — илгари, } олдин
پیش از	пиш аз	
بعد از	баъд аз	} — сўнг, } кейин
پس از	пас аз	

1-в а з и ф а. Қўйидаги маттни ўзбек тилига таржима қилинг:

### صياد جوان و رفيقش

روزی صياد جوانی بارفيقش بشكار رفت. صياد تیری بطرف  
مرغی انداخت. اتفاقاً تیر بمرغ نخورد. رفيقش گفت: آفرین!  
شكارچی عصبانی شد و گفت: مرا مسخره میکنی؟ رفيقش گفت:  
نخیر من آفرین بمرغ گفتم که پرید.

### Луғат

صياد	саййод — овчи
جوان	жавон — ёш, йигит
رفيق	рафиг — ўртоқ
تير	тир — ўқ
مرغ	мўрғ — қуш

شكارچى	шэкорчи — овчи
عصبانى شدن	асабони шўдан — асабланмоқ
پريدن	паридан — учмоқ

2- в а з и ф а. Қуйидаги жумлаларни форс тилига таржима қилинг:

1. Акам ўқиш учун Санкт-Петербургга кетди.
2. Мен Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирдим.
3. Отам мактабда, онам болалар боғчасида ишлайдилар.
4. Бу китобни кутубхонадан олдим.
5. Онамга туфли сотиб олдим.
6. Мажлисга Аҳмаддан бошқа барча талабалар келдилар.
7. Дам олиш куни отам билан кинога бордим.
8. Мен ҳар куни соат 8 да уйдан чиқаман.
9. Дарсимиз соат 9 да бошланади ва 2 да тугайди.
10. Бу китоб меникидир.



### را ро кўмакчиси

را ро кўмакчиси ҳозирги замон форс тилида тушум келишигини ифодалаш учун қўлланади. Маълумки, бу шакл ўзбек тилида тушум келишигининг қўшимчаси **-ни** ёрдами билан ифодаланади. **را** кўмакчиси ўзбек тилидаги **-ни** қўшимчаси сингари ҳаракатни бевосита ўз устига олган нарсани — воситасиз объектни ифода этади, яъни форс тилидаги **را** кўмакчиси қўшилган сўз ўзбек тилидаги тушум келишиги шаклидаги сўз каби ўтимли феъл томонидан бошқарилган бўлади:

امروز از مغازه دیوان علیشیر نوائی را خریدم.

Эмруз аз мағозэ дивонэ Алишер Навойро харидам—Бугун магазиндан Алишер Навоий девонини сотиб олдим.

ما زبان فارسی را دوست داریم.

**Мо забонэ форсиро дуст дорим**—Биз форс тилини севамир.

Ўзбек тилида тушум келишигидаги сўз белгили ёки белгисиз бўлиши мумкин.

Тушум келишигидаги сўзнинг белгили ёки белгисиз келиши таъбирнинг мазмунига таъбир этади; тушум келишиги қўшимчасини олган сўз сўзловчи ва тингловчи учун аввалдан маълум бўлган аниқ нарсани кўрсатади, белгисиз тушум эса умуман шу турдаги нарсани билдиради.

Форс тилида ҳам **را** кўмакчиси аниқ, маълум бўлган нарсани ёки ҳодисани ифодалаётган воситасиз тўлдирувчига қўшилиб келади. Масалан:

این مجلات ادبی را دیروز خریدم.

Ин мажаллотэ адабиरो дируз харидам — Бу адабий журналларини кеча сотиб олдим:

دانشیار زبان فارسی این کتابرا به من داد.

Донэшйорэ забонэ форси ин кэтобро бэ ман дод — Форс тили ўқитувчиси бу китобни менга берди.

Ра кўмакчиси қўшилмаган воситасиз тўлдирувчи аниқ бўлмаган нарсани билдиради. Масалан:

دانشجو از مغازه بزرگ لباس خرید.

Донэшжу аз мағозэйэ бўзўрг лэбос харид — Талаба катта магазиндан кийим сотиб олди.

پدرم به من کیف آورد.

Пэдарам бэ ман киф овард — Отам менга портфель олиб келди.

Қуйидаги ўринларда Ра кўмакчиси тушиб қолмайди:

а) агар воситасиз тўлдирувчи атоқли от ёки кишилик олмошлари билан ифодаланган бўлса:

تودر سینما احمدرا دیدی؟

Тў дар синэма Аҳмадро диди? — Сен кинода Аҳмадни кўрдингми?

بلی در سینما اورا دیدم.

Балэ, дар синэма уро дидам — Ҳа, кинода уни кўрдим;

б) агар воситасиз тўлдирувчи кўрсатиш, кишилик олмоши билан бирга келса:

من این دانشجو را خوب میشناسم.

Ман ин донэшжуро хуб мишэносам — Мен бу талабани яхши танишман;

в) агар воситасиз тўлдирувчи эгалик қўшимчаларини олган от билан ифодаланган бўлса:

از رفیقم کتابش را گرفتم.

Аз рафиғам кэтобашро гэрэфтам — Ўртоғимдан китобини олдим.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, форс тилида Ра ро кўмакчиси билан келган отлар ўтимли феъл

томонидан бошқарилиб, гапда ҳаракатни ўз устига олган нарсани — воситасиз объектни ифода этади. Классик адабиётда

را ро кўмакчиси билан келган от воситали тўлдирувчи ҳам бўлиб келган. Бунда ро кўмакчисини олган от қўидаги маъноларни билдирган:

а) иш-ҳаракатнинг йўналишини:

حاتم طائي را گفتند ...

Ҳотамэ Тоиро гўфтанд — Ҳотам Тойга дедилар...;

б) را кўмакчиси билан келган от нутқнинг бирор шахс, нарса ёки бирор ҳодиса ҳақида бораётганини:

پادشاهی را شنیدم که بکشتن اسیری اشارت کرد. (سعدی)

Подшоҳиро шэнидамкэ бэ кўштанэ асири эшорат кард — Эшитишимча, бир подшоҳ бир асирни ўлимга буюрибди (Саъдий);

в) бирор нарсага эга — молик бўлган шахс ёки нарсани:

اورا کتابی بود.

Уро кэтобэ буд — Унинг бир китоби бор эди.

را кўмакчиси ўзидан олдинги сўзга қўшилиб ёки ундан ажратиб ёзилиши мумкин. Масалан:

کتابرا }  
کتابرا } кэтобро — китобни

